



«YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

VATANPARVAR



Saytimizga o'tish
uchun QR-kodini
skaner qiling.



2021-yil 3-sentabr, №35 (2942)

Mudofaa vazirligi tizimiga oid so'nggi yangiliklar bilan
quyidagi manzillar orqali tanishing:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

ARMY - 2021

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улғу байрам, катта тантана. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи жонажон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

«**Янги Ўзбекистон**» деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона енгиб ўтди.

Халқимиз қалбидagi хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўхна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.

1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида түб бўрилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улғу орзусига эришди – ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Бугунги кутлуг айёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва оқойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қурулди Кучлар барпо этилди.

Миллий валютамиз – сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлимиз тикланди.

Муҳтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақкам иродаси ва матонати, бекиёс салоҳиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Хурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустақкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай бекиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустақкамлаш, мамлакатни мо-

дернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг родини, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича қақариғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришнинг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давоми сифатида мен кўни кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган корона-вирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё микёсида юз берган энг улкан синовдир.

Ёдингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганининг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаолликни оширишга эришиб келмоқда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг «J.P.Morgan» инвестиция банки томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон: юксалиш йўли» номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айна шу фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислохотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017–2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқаро рейтингларда тан олиниши мамлакатимиз учун халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат евро-облигациялари, Ипотека банкининг 785 миллиард сўмлик ва «Ўзавтомоторс» акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлдик. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада камайтилди, айланма маблағдан олинadиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017–2020 йилларда банкларимиз капитални 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электрэнергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва хўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Минглаб километр узунликдаги янги йўллар, электр ва газ тармоқлари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрлик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

«Сергели» йўналиши бўйича 6,2 километрлик қурилиш ишлари якунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Кўни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айни пайтда «Навоийазот» акциядорлик жамиятида иккита янги завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига «Навоийазот»да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошади.

Бундай муҳим воқеалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далолат беради.



Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу корхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» халқаро рейтингда Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очiq мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ тақлиф ва ташаббуслар атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодийтимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.

Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолиимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ хўжалигини молиялаш тизими қайта кўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик.

Биз бундан буён ҳам аҳолиимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. «Темир дафтар»,

«аёллар дафтари», «ёшлар дафтари», «меҳр дафтари», маҳаллабай ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси **«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик»** деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017-2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикаимизда ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оила-ларнинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджетга ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар!

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгармоқда, десак, янглишмаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та «Тез ёрдам» шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага кўпайтирилди.

Маълумки, илгари кўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикаимиз аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса атиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун кутилмаган пандемия қаршисида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Ҳудудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун давлат бюджетига 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўряпмиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган

ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг: **«Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир»**, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлардан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам – тасаввур қилинг – 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабгача таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янги ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш йил олдин республикаимизда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мумкинми?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усуллари жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни 2017-2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-ҳунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндилиқда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан – шунга эътибор беринг – 28 фоизга етказилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50–60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваламбор, ёшларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун – 3 минг 155 та, «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчилари учун – 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун – 2 мингта қўшимча қабул квоталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янги таълим муассасаси мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда.



Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида моҳир спортчиларимиз ғолиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари қизғин давом этмоқда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медални қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намоён этмоқдалар.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган болалар ўттиз ёшга – айни камолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиқлол фарзандлари, озод ва эркин, ҳур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.

Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатингиз ва фидокорона меҳнатингиз билан юртимизда Янги Ўзбекистонни – Учтинчи Ренессансни бунёд этишга албатта қодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Мухтарам ватандошлар!

Ҳаммангиз гувоҳи бўлиб турибсиз, сўнгги йилларда биз **«Халқ ва армия – бир тану бир жон»** деган эзгу тамойил асосида Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш, давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш бўйича муҳим ислохотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Давлат мудофаа саноати қўмитаси тузилди.

Соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оила аъзоларини, ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда миллий армиямизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир жанговар кучга айланиб бораётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Албатта, армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди. Армия аввало она Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ҳарбийлар – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар билан қудратлидир.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида Ватан ҳимоячиси бўлишни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб билган ҳақиқий баҳодир, марди майдон фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Улар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттирмоқда.

Ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини виждонан бажаришга қасамёд қилган мард ва жасур посбонларимизнинг фидокорона хизматлари ва жасоратини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар куни, ҳар дақиқада амалда исботлаётган она юрт қалқонлари бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қўйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайдигани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизда биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу албатта ислохотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

Қадрли тантана иштирокчилари!

Мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очик,

прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётганимиз сизларга яхши маълум.

Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Аввало, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қавму қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади.

Жаҳон сиёсатшунослигида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди. Халқаро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Яқинда Туркменистонда бўлиб ўтган навбатдаги Маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Сўнгги кунларда ён қўшнимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳаммамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонамиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳокимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар билан самарали битим ва келишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Ғарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қадамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилмоқда. 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлдик. Бу мамлакатимиз учун халқаро майдонда янги иқтисодий, сиёсий ва маданий имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида қисқа даврда самарали алоқаларни йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шароитида ўтганига қарамасдан, Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитига пухта тайёргарлик кўраёпмиз.

Иқтисодий дипломатия воситаларидан самарали фойдаланиш республика экспорти ва инвестициялар оқимида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самарали ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бевосита шугулланадиган «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққийпарвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги қувончи кунда биз билан даврамизда ўтирган хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига тинчлик ва равнақ тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этаётган Фран-

ция Сенатининг ҳурматли вакилларига чуқур эҳтиромимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳаммангизга яхши маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай йўлдан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга кўпмиллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда. Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакатлари ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу маънода, бўлғуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқининг ўсиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яққол намоён этади, деб ишонаман.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа – бошлаган ислохотларимиз ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғонишида намоён бўлмоқда.

Маънавий уйғок жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай халқни Яратганимиз ҳам қўллаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислохотлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждоқларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.

Мен сиз, азизларни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизни ана шундай улғу ва шарафли сафда – янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида кўриб турганимдан бахтиёрман.

Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай бекиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз қадрдонларимни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шижоатли ёшларимизни, бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мана шу муборак айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган она халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин!

Мустақиллигимиз абдий бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Халқимиз маънавий қудратининг манбаи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» боғи ва Мустақиллик монументи очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Мухтарам ватандошлар!

Бугун барчамиз, кўпмиллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик қутлуғ байрамининг қувончи ва шукҳи билан яшамокдамиз.

Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетакрор маданий обидалар бунёдкори сифатида шўхрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан кутиб олмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги-янги корхоналар, замонавий уй-жойлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, равон йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган ўнлаб йирик лойиҳалар, ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда.

Айни дақиқаларда барчамиз яна бир тарихий воқеа, яъни истиқлолигимизнинг шонли санасига бағишлаб бунёд этилган «Янги Ўзбекистон» боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросимида тўпланиб турибмиз.

Ёдингизда бўлса, биз май ойида кенг жамоатчилик билан бирга яхши ният билан боғ ҳудудида дастлабки ниҳолларни экиб, мажмуага тамал тоши қўйган эдик.

Бугун эзгу орзу-интилишларимиз ижобат бўлиб, қисқа муддатда халқимиз, бунёдкор ватандошларимизнинг азму шижоати билан мана шу улкан майдонда муаззам боғ ва ёдгорлик комплексини барпо этишга эришдик.

Биз тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нурунийлар ва ёшларимиз билан маслаҳатлашиб, «Янги Ўзбекистон» мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратдик.

Агар юқоридан назар ташласангиз, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шохига ўхшайди. Бу эса, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.

Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, Тошкент вилояти ва барча ҳудудларимиздан, хориждан кела-

диган меҳмонлар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча замонавий шароитлар яратилмоқда.

Бу ерда сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ҳунармандчилик дўконлари барпо этилди ва этилмоқда.

Мажмуа ҳудудидаги манзарали ноёб дарахтлар, гул-чечаклар одамнинг баҳри дилини очади, барчамизни табиат билан ошно бўлиб, уйғун бўлиб яшашга даъват этади.

Мажмуа ёнида энг илғор технологиялар ва замонавий андозалар асосида Олимпия шаҳарчаси бунёд этилади. Бу ерда 2025 йили мамлакатимиз мезбонлик қиладиган Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларининг асосий мусобақалари ўтказилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда замонавий олий таълим муассасаси, тиббиёт клиникалари, халқаро кўргазма марказлари ва бошқа объектлардан иборат бутун бир янги шаҳарча қурилмоқда.

Энг муҳими, барчангиз кўриб турганингиздек, боғнинг марказий қисмида, таъбир жоиз бўлса, унинг юрагида ўхшаши йўқ мухташам бадиий обида – **Мустақиллик монументи** барпо этилди.

Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаяпмиз. Лекин аслида, Ўзбекистон ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади.

Бу жаҳон фанида эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда ана шу концептуал ғояни ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузumi,

ҳар қандай ижтимоий жараён – у ғалаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими – барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур.

Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларидан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажagini тўғри белгилай олади.

Шу сабабли биз ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик. Бой ва бетакрор меросимиз, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймоларини акс эттиришга интилдик.

Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда ўз ифодасини топди. Ғоят қийин ва мураккаб шароитда республикамиз равнақини, халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини ўйлаб, ўзини аямасдан хизмат қилган атоқли давлат арбобларимиз фаолияти ҳам атрофлича ёритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттириш эътибор марказига қўйилди.

Бу бетакрор ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир.

Улуғвор Мустақиллик монументи тимсолида биз тарих, бугунги замон ва келажак тушунчаларини ўзаро уйғун ҳолда намоён этишга алоҳида эътибор қаратдик.

Миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг мовий гўмбазини, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига беқиёс хисса қўшган улуг мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шукҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик,

эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қуши тасвири монументнинг энг юқори қисмида – бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллади.

Бир сўз билан айтганда, **Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади.**

Монумент пойига битилган: **«Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аجدодларимиз доимо қалбимизда»** деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади.

Мана шундай ишларимизнинг давоми сифатида «Янги Ўзбекистон» боғига яқин ҳудудда замонавий халқаро аэропорт қурилмоқда.

Келгусида хориждан ташриф буюрадиган юксак мартабали меҳмонлар аввало мана шу монументни зиёрат қилиб, халқимиз ва давлатимизга ҳурмат бажо келтиради.

Бундан буён Наврўз, Мустақиллик каби қутлуғ байрамларимиз, катта оммавий давлат тадбирларини, турли сайил-томошаларни барча замонавий шароитларга эга бўлган шу гўзал масканда ўтказамиз.

Айтиш керакки, бугун қалбларимизда чексиз қувонч ва хайрат уйғотаётган «Янги Ўзбекистон» боғини қисқа вақт ичида, айниқса, пандемия шароитида барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин барча қийинчиликларга қарамасдан, қўли гул қурувчи ва меъморлар, муҳандис ва боғбонлар, моҳир ҳайкалтарош ва рассомлар, турли соҳа мутахассислари, раҳбар ва етакчилар, азамат ёшларимиз туну кун фидокорона меҳнат қилиб, ушбу бетакрор мажмуани эл-юртимизга байрам совғаси сифатида тортиқ этдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, бу том маънодаги тарихий ишга хисса қўшган барча юртдошларимизга, чет эллик ҳамкорларимизга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу мажмуа халқимиз, аввало, ёш авлодимиз учун Ватанга муҳаббат ва садоқат тимсолига, қутлуғ зиёратгоҳ, ўзига хос ноёб маданият ва маърифат, тарбия марказига айланиб қолади.

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир инсон нафақат яйраб ҳордиқ чиқаради, балки аввало ўзи учун беқиёс ибрат, маънавий куч олади, деб ишонаман.

«Янги Ўзбекистон» боғи, Мустақиллик мажмуаси ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Юртимизда мана шундай гўзал ва бетакрор масканлар янада кўпайсин!

Мана шундай улуг ишлар бунёдкори бўлган мард ва танти, меҳнаткаш халқимиз доимо омон бўлсин! Барча эзгу ишларимизда Яратганининг ўзи мададкор бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат.



ЮКСАК МУКОФОТ – ЮКСАК ШАРАФ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан Президент Фармонига кўра, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳам бир гуруҳ фидойи, ватанпарвар ва садоқатли ҳарбий хизматчилари шундай юксак давлат мукофотларига сазовор бўлишди.

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Ачилов Кахраман Абдуманович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

Каршиев Хамдам Аликулович – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари

Шерматов Фарходжон Ортикович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондони

«Мардлик» ордени билан

Избосаров Ағзам Фахриддинович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бошлиғи

Сулаймонов Дилмурод Худойқул ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта мутахассиси

Хайдаров Азамат Ғайбуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи ҳайдовчи-электриги

Шукуров Мирсайд Тагирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Юлдашев Одилбек Қўзибаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Абдулахатов Баходир Шарифжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

Болтаев Суръат Шавкатович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи госпитали бошлиғи

Расулов Улугбек Абдугафурович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлигининг ўринбосари

Сиддиқов Толибжон Алимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлинмаси бошлиғи

Фозилов Носиржон Хошимович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси кафедра бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Узаков Джафар Қодирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

«Жасорат» медали билан

Ауезбаев Куатбай Тенелбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Беккулов Марқабай Хамирбекович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм пости бошлиғи

Иноятлов Сардорбек Анорбой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими мутахассиси

Муҳидинов Жавлонбек Валишеревич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Артиков Алишер Уракович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Баракаев Обид Нарзуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Дусматов Улугбек Бегматович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Заркова Екатерина Юрьевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази мураббий-ўқитувчиси

Исмоилов Ойбек Ортикович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси раиси

Йўлдашев Зиёдилло Садриддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

Қурбонов Қахрамон Бахтиёрович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

Маманова Тамара Алмасовна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бошқарув аппарати етакчи мутахассиси

Мамасолиев Акмалжон Тохирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлар қўмондонлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

Машарипов Санжарбек Алишеревич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи ҳайдовчиси

Мисиров Ширази Чориевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси профессори

Мусинов Азиз Акрамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Муҳитдинов Хаким Асрорович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти бошлиғи

Нурматов Дилшод Халилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм цехи чилангар-таъмирловчиси

Равшанов Лочинбек Уринович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта ўқитувчиси

Ракаева Лола Равилевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги департаменти бўлим бош мутахассиси

Тожибоев Алижон Халилжонович – Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Янгикўрғон тумани ўқув-спорт техника клуби бошлиғи

Убайдуллаев Саъдулла Мурадуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Хаккиев Назар Сафарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси бўлим бошлиғи

Халилов Хасан Облакулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

«Шуҳрат» медали билан

Бобоназаров Гулом Тошмахамматович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бригадаси бошлиғи

Ботиров Авазжон Анварович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи механик-ҳайдовчиси

Имомназаров Жобир Комилжанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм танк командири

Оллаев Сардарбек Шоназарович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси базаси гуруҳ катта йўриқчиси

Савридинов Нукридин – Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти катта ўқитувчиси

Саитжанов Бахтиёр Иркинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмат бошлиғи

Шарипов Фурқат Орипович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси катта техниги

Юлчиева Зиёда Расуловна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси техниги

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!

ЎЗБЕК АСКАРИ – ВАТАНПАРВАРЛИК РАМЗИ, ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Мудофаа вазирлиги Марказий аппаратида Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, вазир ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида мудофаа вазири сўзга чиқиб, барчани байрам билан самимий муборакбод этди. Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси эканлиги, истиқлол сабаб мамлакатимизда амалга оширилган тарихий ўзгаришлар, бундай тараққиёт ва ривожланиш миллий армиямизга ҳам хос бўлиб, бу йўналишда қилинаётган ислохотлар янги босқичга кўтарилгани, айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг касбий салоҳияти, кўникма ва тажрибасини ошириш мақсадида қўшинларда «Мен ғолиб!» шиори остида мусобақалар ўтказиш анъанага айланганини ва мусобақаларда доим пешқадамликни қўлдан бермай келаётган ҳарбийлар Халқаро армия ўйинларида ҳам юксак марраларни забт этиб, Ватан ишончини шараф билан оқлаётганини эътироф этди. Шунингдек, кейинги йилларда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор янада ортганига урғу бериб, бу ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва хизмат шароитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар инъикоси эканлигини таъкидлади.



– Мен учун ўзбек аскардан кучлироқ аскар йўқ бу дунёда, – деди жумладан, мудофаа вазири. – Ҳарбийларимизнинг Халқаро армия ўйинларидаги иштирокини кузатиб, мен шундай хулосага келдим. Ўзбек аскари – ватанпарварлик рамзи, фидойилик тимсоли. У ўз касбининг мохир устаси сифатида юксак ҳурмат ва эҳтиромга сазовор инсон. Унинг қонида мард ва жасур аجدодларимиз қони оқяпти. Демакки, улар бор экан, миллий армиямиз

ҳар қандай ёвуз кучга зарба бера олади. Улар бор экан, тинчлигимиз, осойишталигимиз ишончли қўлларда. Биз бу ўғлонлар билан ҳақли равишда фахрланамиз!

Шундан сўнг байрам муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотида сазовор бўлган ҳамда «Мустақилликнинг 30 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланган ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларига мукофотлар тантанали равишда топширилди. Шунингдек, яна бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларга мудофаа вазирининг тегишли буй-

руғига биноан навбатдаги ҳарбий унвонлар, қимматбаҳо совғалар ва «Намунали хизмати учун» кўкрак нишонлари топширилди.

Тантанада «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида юртимиз байроғини кўкларга кўтарган ҳарбий спортчилар ҳам эътироф этилиб, навбатдаги ҳарбий унвон ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шўх куй-қўшиқлар ва дилрабо рақслар кечага ўзгача файз, кўнгилларга эса байрамона шукҳулашди.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА



ТИЛ -

Тилга муносабат – миллатга муносабат демак. Миллат тараққий этса, унинг тили ҳам тараққий этади, она тилига эътибор кучаяди. Ўз она тилини қадрлаган, эъозлаган миллат эса дунё майдонида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораверади. Зеро, тил – бу миллатнинг, маънавиятнинг калити. У халқнинг қаердан келиб чиқиши ва қай томонга кетаётганини айтиб беради.

Кўчаларни айланаркансиз катта-катта баннерларда донишмандларнинг ўгитлари, ҳар хил чақириқлар, реклама лавҳалари кўча ҳуснига янада чирой бағишлайдигандек. Лекин улардаги ҳар хил имловий ва услубий хатолар чиройга ҳуснбўзар бўлиб турибди. Буюк аждодларимизнинг номлари, ўгитлари, сўзларини «х» ёки «ҳ» ҳарфининг фарқида бормасдан ёзилиши, ҳаттоки, лотин имлосидаги оддий тутук белгисининг нотўғри қўлланилиши бир қарашда бефарқликка ўхшаб кўринади. Унда она тилимиз софлигини сақлаш, адабий тил меъёрларига амал қилиш учун ким масъул, ким жавобгар, кимнинг виждони оғрийди? Миллатнинг бугуни ва эртаси билан боғлиқ бўлган тил масаласи кимни ўйлантиради? Фақат маълум бир қатлам вакиллари жон куйдиргани билан жамиятимиздаги бу муаммолар ҳал бўлиб қолмаса керак.

Бугунги кунда кўча-кўйда, бозорларда, савдо дўконларида ва шунга ўхшаш аҳоли кўп тўпланадиган жойларда шундай одамларни учратамизки, улар ўзининг она тилида тўлиқ ва равон гапира олмайди. Атрофидагиларга бир оғиз фикрини етказиш учун ҳам чет тилидаги сўзларни (например, конечно, короче, между тем, между нами, проста, заказ, прямой, брат, оптимальный, молодец, пока...) ноўрин ва пала-партиш равишда қўллайди. Уларнинг назарида бу одат замонавийлик ва маданиятликнинг бир кўриниши бўлиб қолган.

Одатда тилни бузиб гапиришда ёшларни кўпроқ айблаймиз. Афсуски, ёши катталар ҳам ўз нутқини назорат қилмаслиги, ўзини «маданиятли» қилиб кўрсатмоқчи бўлиши, ўзини русчани ҳам билишини намойиш этишга интилиши орқасидан чала ўзлаштирмалар нутқимизга кириб келмоқда. Ачинарли жиҳати бунга қулоқларимиз ҳам ўрганиб қолмоқда. Мисол учун, «карочи манга қаранг», «брат, шес секундда ҳал қиламиз», «чут по поже ужинга чиқамиз», «проблема устига проблема», «брата, пешеходда тўхтаворинг», «очеред кўп экан», «ишлар чёткими», «чота телефони занят», «заказ бервордим», «заправкага кетвоман», «остановка-даман», «конкрет айтсам», «прямой гапир»... кабиларни кўплаб келтириш мумкин. Энг ёмони, ташқаридан кимдир ўзбекча сўзларни тилимиздан мажбуран сиқиб чиқармаяпти, чала ўзлаштира сўзларни ўзимизнинг ихтиёримиз билан гапиряпмиз. Тан олиб айтиш керак, бундай «маданият»нинг тагида сиёсий ғўрлик, буюк аждодлар меросига нисбатан ҳурматсизлик ва чаласаводлик ётибди.

Телевидение, радио тили – алоҳида мураккаб тил, у кенг оммага айтилади ва омма билан доимий мулоқотдалиги боис адабий тил билан сўзлашув тили ўрталлигидаги мартабада, ундаги нутқ ишлов берилиб, тажрибадан ўтиб,

туриш, ярим туриш, хатбошилардан тортиб ўқишда урғудан нафасгача жой-жойида бўлиши қоидалашган. У қанчалик равон, жонли тилга қанчалар яқин бўлса, унга ишлов берилганини тингловчи шунча сезмайди. Лекин эшитувчи сезмас экан деб сидирғасига, нафас ростламай суриб кетавериш инсофдан эмас. Атай шевада «воттилаш», «маған-саған», «бўйтиб-шўйтиб», «галди-гатти» қилиш, ўзидан бошқа шеваларга беписандлик, умуман, элга беҳурматлик, «олларинг-қўйларинг» каби калтабинликдан бошқа нарса эмас.

Хусусий телеканаллар орқали намойиш этилаётган миллий телесериалларимизда роль ўйнаётган айрим актёр ва актрисаларимиз адабий тил меъёрларига риоя қилмай, сўзларни у ёки бу шевада ифодалашларини урфга айланиб бораётганлиги кўпчилик зийрак ҳамда синчков томошабинларимизнинг ҳақли эътироз ва танқидларига сабаб бўлаётганлиги ҳам бор гап. Баъзан машинада кетаётиб FM радиоларида берилаётган эшиттиришларни истар-истамас тинглаб кетасиз, тўғри-ми? Аксарият радиобошловчиларнинг гапирилаётган гапнинг мазмуни, жумлаларнинг ўз ўрнида ишлатилишига эътибор бермасликлари, адабий тил меъёрларига риоя қилмасликлари ёки хорижий сўзларни ишлатишларидан ростакан жажлингиз чиқса керак? Шу ерда ўринли бир савол туғилади, нима учун радиобошловчилар (ҳаммаси ҳам эмас) эшиттиришни бутун миллатимиз тинглаётганини ўйламайдилар? Тилимиз софлигини сақлашга, адабий тил меъёрларига амал қилмаётганликларидан таажжубга тушасан инсон. Бундай йўл тутиш тўғри эмас-ку?!

Нима деб ўйлайсиз, хорижий тиллар олдида ўз тилимизни, унга давлат мақомини берганимиз билан паст кўриш урф бўлиб бормаяптими? Учрашув, конференцияларнинг тақдирнома ё дас-турларини олайлик: инглизча ё русча таржимаси бор, ўзбек тилида ёзилган қисми ҳам ё инглизча, ё русча терминларга тўлиб-тошган. Йиғин танаффусида бериладиган бир пиёла чойни «кофе-брейк» деб айтишга кўникиб кетдик, «чойтаътил» дейишга уяламиз шекилли. Замонавий ахборот технологиялари ва оммавий-коммуникация тизимини ривожланиши билан бир қаторда «мышка», «презентация», «лайк» (*«лайк қилмоқ»*), «пароль», «логин», «онлайн», «блог», «пост», «статус», «мобиль версия», «домен», «интернет-провайдер», «оператор», «модератор», «спам», «э-мейл», «сайт-вебсайт», «чат» ва ҳоказо шундай ўнлаб атамаларни муомалага қандай бўлса шундайлигича ўзимиз кiritяпмиз, буларнинг анчаси ўзбек тилида муқобилига эга, йўқларини эса бор сўзларимиздан яратишимиз мумкин. Бироқ бироз бепарвомиз.

Яна бир гап, турли байрам ва тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ шиорлар

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИНГ КАЛИТИ



ёзилган пешлавҳалардаги хатоликларни кўриб кишининг таъби жудаям хира бўлади. Шунингдек, расмий хатларда, реклама баннерларида ва баъзи бир интернет сайтларида йўл қўйилаётган имло хатолар бўйича бемалол «номзодлик диссертация»сини ёқласа бўлади.

Кейинги пайтларда кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, бинолар, дўконлар, хусусий муассасалар номларини ёзишда нафақат давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилинмаётганлиги, балки уларни хорижий тилларда битиш ниҳоятда авж олиб бораётганлиги тил ва маънавият жонкуярларини ташвишга солмоқда. Сўзимиз исботсиз бўлмаслиги учун пойтахтнинг исталган кўчасидаги ёзувларга – хусусий корхоналар, баннерларга бир назар ташланг. Ҳар қандамда «Oxymed», «Amilla», «Hilton», «Daniel Garden», «Silk Road», «Beauty salon», «Brand 910», «Silk&Wine 96», «Evos», «La Perla Cosmetics», «Posado», «Maya Tour», «Golden River», «Dream House», «Dark hall», «Elegant», «Creative Master», «Viva», «Savio», «Star Med Center», «Salus Vita»ларга дуч келасиз.

«Mini market», «City market», «Good market», «Cinema market», «Rich market»ларнинг эса сон-саногии йўқ. Шулар қаторида аксарият биноларнинг пештоқлари «Мы открылись», «Центр обуви», «Учебный центр», «Подготовка абитуриентов», «Языковые курсы», «Почемучка», «Дошкольное обучение», «Зелёный базар», «Срочное фото», «Цветная печать» каби рус тилидаги номлар билан безалган. Ошхоналар номи ёнидаги «Миллий таомлар» «Мульти таомлар»га, палов «плов»га айланган. Юртимизнинг «Ўзбекистон» деб аталган гўзал номи эса «Ўзбекистан»га айланиб улгурибди. Эндиликда инглиз, рус тилидаги номлар ёнига немис, француз, корейс, хитой ва бошқа тиллардаги турли-туман атамалар ҳам келиб қўшилмоқда. Гўёки, ўзингизни Тошкент шаҳри кўчаларида эмас, балки Москва, Париж ёки Лондон шаҳарлари кўчаларида юргандек ҳис қиласиз. Гўёки юртимизда ўзбек тили эмас, бошқа тиллар давлат тилига айлангандек таассурот туғилади.

Бундай афсусланарли ҳолат нафақат мамлакатимиз пойтахтида, балки республикаимизнинг барча вилоятлари, улардаги шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқларда ҳам давом этмоқда. Турли жойларга борсангиз кўплаб «Ice Cream», «Chp Gold Exclusive», «La Femma»ларни, ўнлаб «Ravnaq Textil», «Лавида траст»ларни, юзлаб «Траст инвест», «Глобал», «Elizabeth industrial Safety», «Green Agro Export»ларни ва бошқа ғаройиб номларни кўрасиз.

Ҳозир вазиятга ҳушёрроқ туриб, вақтида эътибор бериб олдини олмасак, юқоридаги каби сунъий номлар чирмовукдек тилимизга тирмашиб, яқин йиллар ичида уни ҳар томондан ўраб олиши аниқ. Яна бир ҳолат, давлат тили қоида ва меъёрларига амал қилинмасдан, хато, нотўғри ва ғализ ёзилган ташқи реклама баннерлари, пешлавҳа ёзувларга ҳам кўча-кўйда кўп кўзимиз тушади. «Ishga marxamat», «Er sotiladi»,

«Hush kelipsiz», «Evropa taomlari», «Dorihona», «Сахарликка мархамат», «Хасан ота маркети», «маъсулият» ёки «масулият»... Ачинарлиси, бундай мисолларни узоқ давом эттириш мумкин.

Ҳайрон қоласан киши, ташқи рекламаларни ёзиб, чиқариб бериш билан шуғулланувчи корхоналарда ишлаётган ходимлар шу қадар чаласаводми ёки уларга «бўюртма» бераётганларнинг саводида нуқсон бормикан?

Умуман олганда, «Давлат тили ҳақида»ги қонунга, давлат тилини ривожлантириш ва унинг нуфузини ошириш билан боғлиқ фармону қарорларга бундай эътиборсизликларнинг, соҳада юз бераётган юқоридагидек камчиликларнинг асл сабаби нимада, деган савол туғилади. Сабаби оддий, аксарият фуқароларимизнинг қалбида давлат тилига, яъни ўзбек тилига, гарчи, бу тилни ниҳоятда севаман, деб тўтикушдек минг марталаб такрорлагани билан меҳр-муҳаббатнинг йўқлиги, ундан чинакамига фахрланиш, ифтихор қилиш, ғурурланиш туйғуларининг етарли даражада шаклланмаганида. Агар уларнинг дилида шу муқаддас туйғулар бўлганида, тилимиз билан боғлиқ бўлган юқоридаги каби камчиликлар юз бермаган бўларди. Қолаверса, тилимиз меъёр-қоидаларининг бузиб ишлатилишига сабаблардан яна бири жойларда маҳаллий бошқарув идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан «Давлат тили ҳақида»ги қонун ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни тизимли равишда ўрганиб борилмаётганлиги ҳамда назорат ва тартибни талаб даражасида ўрнатилмаганлигидир.

Менинг фикримча, фуқароларимиз томонидан юқоридаги номақбул сўзларни ишлатмаслик, нутқда равонликка эришишда кўпроқ бадий китоблар мутолааси билан тизимли равишда машғул бўлиш, нутқга бепарволик билан қарамаслик, сўзни қадрлаш, унинг маъносини англаш, тўғри сўзлаш, «сўзни кўнгилда пишитмагунча тилга олма» ҳикматида қатъий амал қилиш, ўз тилига чексиз ҳурмат билан қараш, фарзандларимизни болалигиданоқ юқоридаги келтирилган мулоҳазаларга амал қилишларига ўргатиш, юртимиз фуқароларини тил тўғрисидаги қонун талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя қилишлари, наشريёт, босмаҳона ва матбаачилик ишлари билан шуғулланидиган кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда тил қайғусини халқ ва миллат ҳаракатида айлантириш зарур бўлса керак.

Хулоса ўрнида шунини таъкидламоқчиманки, аслида ўз она тилига ҳурмати ва уни қай даражада билиши инсонларнинг ҳам маънавияти, ҳам маданиятини белгилайди. Маданиятни том маънода англаган ва тушунган ҳар қандай инсон ўз она тилининг софлиги ва унинг нуфуз-мавқеи учун ўзини бевосита масъул ҳисоблайди. Улар қайси тилда сўзлашмасин, ўша тилнинг софлигини сақлайди. Мавжуд расмий маълумотларга кўра, ўзбек тили ҳар қандай фикрни баён қилиш учун етарли сўз захирасига, гўзал ва таъсирли ифодалаш учун эса ўз нафосатига эга. Демак, шундай экан, ҳар биримиз она тилимизни мукамал ўрганишимиз, тил меъёрлари ва қоидаларига амал қилишимиз ва бошқалардан ҳам бунини талаб қилишимиз орқали кун сайин илдиз отиб бораётган замонавийлик балосидан она тилимизни асраб қолишимиз ва унинг софлигини таъминлашга ҳисса қўшишимиз мумкин бўлади.

**Қаҳрамон КАМОЛОВ,
Мудофаа саноати қўмитаси
раисининг маслаҳатчиси**

ArMI – 2021

«ҲАРБИЙ-ТИББИЙ ЭСТАФЕТА».
КИЧИК СЕРЖАНТ А. МАМЕДОВА
МУСОБАҚАНИНГ «ШАХСИЙ
МОҲИРЛИК» БОСҚИЧИНИНГ
ШТАТ ҚУРОЛЛАРИДАН АМАЛИЙ
ОТИШ ШАРТИДА 193 БАЛЛ
БИЛАН РЕКОРД НАТИЖАСИНИ
8 БАЛГА ЯНГИЛАДИ. ОХИРГИ
РЕКОРД 2019 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОА
АЪЗОСИ ОДДИЙ АСКАР
О. УБАЙДУЛЛАХЎЖАЕВА
ТОМОНИДАН 185 БАЛЛ БИЛАН
ЎРНАТИЛГАН ЭДИ.



«ARMI-2021»

**ўйинларида юқори натижалар
кўрсатиб, рекорд ўрнатган жамоамиз
вакиллари билан танишинг!**



«Ҳарбий-тиббий эстафета». Кичик сержант Ш. Раҳимова мусобақанинг «Шахсий моҳирлик» босқичининг тўсиқлар йўлагидан ўтишда аёллар ўртасида 298 балл билан рекорд натижа кўрсатди. Охири рекорд 2020 йилда 295 балл билан қўйилган эди.

«Ҳарбий-тиббий эстафета». Кичик сержант М. Тешаев мусобақанинг «Шахсий моҳирлик» босқичининг тўсиқлар йўлагидан ўтишда 340 балл билан рекорд натижа кўрсатди. Охири рекорд 2020 йилда 321 балл билан ўрнатилган эди.

«Содиқ дўст». Сержант У. Нуриллаев мусобақанинг «300 метрлик тўсиқларни хизмат итлари билан ўтиш» шартиди 1 дақиқа 13,9 сония билан рекорд натижа кўрсатди.

«Эльбрус ҳалқаси». Кичик сержантлар С. Туклиев, М. Абдулҳамидов ва А. Ибрагимов учлиги мусобақанинг «Тоғ тўсиқлар йўлаги»-дан ўтишда 12 дақиқа 58 сония билан рекорд натижа кўрсатди. Охири рекорд кўрсаткичи 2020 йилда 14 дақиқа 16 сония бўлган эди.

«Қўшинлар разведкаси аълочиси». Майор М. Дўстқулов раҳбарлигидаги жамоа «Душман объектида яширин ҳаракатланиш» меъёрини 1 дақиқа 24 сонияга бажариб, рекорд ўрнатди. Охири рекорд 2020 йилда 1 дақиқа 25 сония бўлган эди.

«Қуролсоз уста». Кичик сержантлар Д. Тожибоев ва Х. Турсунов, оддий аскарлар Х. Умаров, С. Тошпўлатов БМ-21 реактив артиллерия қурилмасини таъмирлаш бўйича 11 дақиқа 10 сония натижа билан янги рекордни ўрнатди. Охири рекорд 2020 йил 11 дақиқа 29 сония бўлган эди.

«Қуролсоз уста». Оддий аскар М. Ибрагимов АК-74 автоматидан отиш машқларини бажаришда 44 балл билан янги рекорд натижа кўрсатди. Охири рекорд 2020 йилда 41 балл бўлган эди.

Б. ЭЛМУРОВОД



Сарлавҳани ўқиб ажабланманг,
мана бу йил юртдошларимиз учинчи
йилдирки Халқаро армия ўйинлари
мусобақаларининг «Ҳарбий-тиббий
эстафета» йўналишида ғолибликни
қўлдан бермай келмоқда.

30 йиллик тантанага 3-ҒАЛАБА



Бунга қадар улар қанчалар тер
тўқканларини, жипсликда ҳаракат
қилиб, жон койитганларини тас-
вирлаш мушкул. Аслида ҳам Ибн
Синодек дунё тиббиёти тамадду-
нига асос солган алломаларнинг
авлодига бундан бошқа ўрин му-
носиб эмас. Улар бошларини ба-
ланд кўтариш, юртимиз байроғини

устидан ўтиб, санитар ҳарбий тех-
никага жойлаштириш, аслаҳаларни
йиғиштириб олиш, уларни хавфсиз
ҳудудга олиб чиқиш каби машгу-
лотларни бажардилар.

«Старт» тугмаси босилганидан
то барча шартларни бажариб бўл-
гунларича ҳар бир лаҳза, ҳар бир
қадам учун интилишарди. Аксига



Жадаллашиб рақиб жамоадан ўзиб
кетишга тиришади.

Ҳакамлар ҳайъати ҳамда барча
иштирокчи давлатлардан кел-
ган вакиллар жараёни кузатиб
боришди. Баҳсли ҳолатларнинг
олдини олиш, шаффофликни таъ-
минлаш мақсадида ҳар бир ҳолат
операторлар томонидан видеотас-
маларга муҳрланди. Муҳими барча
ҳодисалар йиғилганларнинг кўз
ўнгига содир бўлди.

Якуний натижаларга кўра,
«Жамоавий биринчилик» шartiда
эркаклар ва аёллар баҳсларида
юртимиз вакиллари юқори на-
тижалар билан биринчи ўринга
сазовор бўлишди. Ўзбекистон
Мудофаа вазирлиги эркаклар жа-

сержантлар – Валижон Бегалиев,
Шоҳида Раҳимова, Мухриддин
Тешаев ва Амина Мамедова каби
юртимиз вакиллари рекордларни
янгилашга муваффақ бўлдилар.

Барча шартлар бўйича тўплан-
ган умумий натижаларга кўра,
Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жа-
моаси 1-, Россия Федерацияси 2-,
Хитой Халқ республикаси 3-ўринга
сазовор бўлди.

Мутлақ ғолиблик тотини туй-
ган юртдошларимиз барча чар-
чоклари ариганини, берилган
ваъдани бажарганликларини,
ишончни оқлаганларидан, мус-
тақиллигимизнинг 30 йиллик тан-
таналарига муносиб улуш қўша
олганликларидан жуда ҳам шод



самода ғолибона ҳилпиратиш учун
сидқидилдан ҳаракат қилдилар ва
бунга эришдилар.

Бунинг учун эса машаққатли
йўлни босиб ўтишга тўғри келди.
Айниқса, мусобақанинг ҳал қи-
лувчи сўнгги шarti – «Жамоавий
биринчилик» беллашувларида
кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари
эркаклар ва аёллар гуруҳлари-
га бўлинган ҳолда шиддатли
баҳсга киришдилар.

Шартга кўра, улар муҳан-
дислик тўсиқларидан эмак-
лаб ўтиш, шартли ярадор-
ларга биринчи тиббий ёрдам
кўрсатиш, тиббий замбил ва
арқон ёрдамида сувли тўсиқ

олиб, ёз ўрнини эгаллашга инти-
лаётган куз тўфонли шамоллари
билан ҳарбий хизматчиларнинг
юз-кўзларига ёпишади. Ишқибоз-
ларнинг олқишлари, маслаҳат
бериб, йўл-йўриқ кўрсатишлари,
мусобақага жанговар руҳ бағиш-
лаётган ўқ овозлари уларга кор
қилмайди.

Ўзидан деярли икки баравар
оғир ярадорни орқалаб кетаётган
аёллар жамоасига раҳмин-
гиз келади. Шу аснода
улар Ватан шаъни-
ни кўтариб кетаёт-
ганликларини ҳис
қилганликлари-
дан елкасидаги
«юк»ка парво
ҳам қилмайди.

моаси ушбу босқич шартларини
бажаришга 5 дақиқа, 28 сония,
аёллар эса 7 дақиқа 51 сонияда
улгурдилар.

Ушбу шартда кичик сержант-
лар – Валижон Бегалиев, Шохруҳ
Ибрагимов, Ҳокимбек Мадаминжо-
нов, Мухриддин Тешаев рекордни
янгилашди. Бу ҳали ҳаммаси эмас.
Ушбу мусобақа давомида кичик

эканликларини таъкидлашди.
Реза-реза терларини артишга ҳам
шошилмаётган вакилларимизни
ҳамиша юзингиз ёруғ, қаддингиз
тик, муваффақият ҳамроҳ бўлсин,
дея қутладик!

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



ARMI – 2021



Халқаро армия ўйинлари мусобақасининг «Дала ошхонаси» йўналиши ҳам якунига етди. Вакилларимиз бу борада ҳам қанчалар маҳоратли эканини дунё аҳлига намойён қилиб, биринчи ўринни эгаллади. Мустақилликнинг 30 йиллик тантаналарига ҳар бир юрtdошимиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган бир пайтда ушбу ғалаба ҳам энг улўф, энг азиз айёмга тўёна бўлди. Истиқлол насимлари таомларимиз тотини жаҳонга ёйди.

Бу осонликча бўлгани йўқ, албатта. Жаҳоннинг турли ўлкаларидан келган иштирокчилар ҳам бошқалардан сира қолишмасликка тиришади. «Отиш тайёргарлиги», «Берилган озиқ-овқат маҳсулотларидан эркин таом тайёрлаш», «Белгиланган менюга қараб таом тайёрлаш», «Гўшт маҳсулотларидан таом тайёрлаш», «Нон пишириш» каби шартлар барча қатнашчиларга ўзларининг бор маҳорат ва қобилиятларини намойиш қилиш имконини берди. Беллашувчилар ўз ўрнида иштирокчилар орасида ўзаро тажриба алмашиш, дўстона муҳитни яратишга хизмат қилади.

Жараёнда фойдаланиладиган маҳсулотлардан тортиб қўлланилаётган ошхона ускуналаригача ҳакамлар ҳайъатининг диққат-марказида бўлди. Ўзбеклар хорижликлар наздида меҳмондўстлиги, бир-бирдан мазали таомлари билан ёдда қолади. Сунъий озиқ-овқатлар, ҳатто мевалар ҳам урчиган бир маҳалда турли-туман тўйимли овқатлар тайёрланиши баркамол авлод вояга етиши гаровидир. Мусобақа давомида моҳир қўллар томонидан тайёрланган таомлар ўша давлатнинг маданиятидан дарак бериб турди.

Ниҳоят, ғалвир сувдан кўтариладиган палла келди. Барча шартларда эришилган натижалар ҳисоблаб чиқилди. Унга кўра, 1-ўринга 1 396,5 балл билан юртимиз вакиллари, 2-ўринга 1 334 балл билан Россия Федерацияси, 3-ўринга 1 129 балл билан Вьетнам Социалистик Республикаси ҳамда Беларусь Республикаси жамоалари муносиб топилди.

А. НОРҚУЛОВ

Истиқлол насимлари таомларимиз тотини жаҳонга ёйди



«ARMI-2021»:

Ҳарбий жамоаларимиздан рекорд ва ғалабалар...

Бир неча йилдан бери дунё миқёсида ўтказилиб келинаётган Халқаро армия ўйинлари шубҳасиз мамлакатларнинг куч-қудрати, ҳарбий салоҳиятини яққол кўрсатиб берувчи жанговар майдонга айланиб бормоқда. Ўзбекистон армияси қисқа фурсатларда бу майдон ичра ўзининг неларга қодир эканини амалда кўрсата олди. Йилдан-йилга ўсиб бораётган янги натижалар, рекордлар – буларнинг бари Юртбошимиз бошчилигида ҳарбий соҳада олиб борилаётган туб ислохотлар, янгича тизим ва амалиётнинг меваларидир.



«Отлиқ марафон»

Россия Федерацияси Тува Республикасида бўлиб ўтган «Отлиқ марафон» мусобақасида ҳам жамоалар «Узоқ масофага отлиқ марафон уюштириш» ва «Аралаш эстафета» шартлари бўйича ўзаро беллашди.

Ўзбек халқи азалдан от билан дўст тутинган. У билан тиллаша олган. Ўзбек чавандозлари доврўғи ҳам бутун

Бу йил Янги Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонланаётган бир вақтда жасур ва алп ўғлонларимиз «ArMI-2021» Халқаро армия ўйинларида Ватанимиз шаъни ва шавкати муносиб ҳимоя қилиб, Истиқлол байрамига қимматли ғалабалар сериясини тўхфа этмоқда.

Дунёнинг 11 давлат ҳудудларида 42 мамлакат вакилларида иборат 277 жамоа иштирок этаётган «ArMI-2021» Халқаро армия ўйинларидаги натижаларимиз миллатимизнинг ҳар бир фарзандига фахр ва ифтихор, қувонч бағишлай олади.

Азиз газетхон, эътиборингизга шу кеча-кундузда ҳарбий хизматчиларимиз томонидан қўлга киритилган ғалабалар ва рекорд натижаларини тақдим этмоқчимиз. Демак, бошладик.

«Содиқ дўст»

VII Халқаро армия ўйинларининг «Содиқ дўст» мусобақасининг бу йилги баҳслари Жазоир Халқ Демократик Республикасида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги кинологларидан иборат эркалар ва аёллар жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, чин маънода сенсацион натижа кўрсатишди.

Мазкур мусобақада иштирокчи жамоалар белгиланган нишонларни БИ-7,4 кичик калибрли спорт қуроли билан яксон қилиш, 300 метрли тўсиқли йўлакдан ўтиш, Дог биатлон (яккалик пойга) ва 1 600 метр масофага (Дог биатлон) эстафета югуриш шартларида ўз маҳоратларини кўрсатишди. Жамоамиз вакили III даражали сержант Улуғбек Нуриллаев 300 метр масофадаги тўсиқларни хизмат ити билан енгиб ўтиш йўлагига янги рекордни ўрнатгани ҳам ғалабага муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Шундай қилиб эркалар жамоалари ўртасида ўтган мurosасиз баҳсларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган ҳарбий кинологларимиз фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринни эса Россия Федерацияси жамоаси ва учинчи ўринни Беларусь вакиллари банд этишди.

Бу йилги мусобақада аёллар жамоамиз ҳам илк бор иштирок этди. Тўмарис ворислари беллашувларнинг дастлабки, шартларидан ўз маҳоратларини кўрсата олди ва яқунда илк иштирокдаёқ ғалабани қўлга киритди. Аёллар жамоаси аъзоси оддий аскар Диёра Валижонова 300 метр масофадаги тўсиқларни хизмат ити билан енгиб ўтиш йўлагига рекорд ўрнатди.

Ирода Олимова эса АК-74 кичик калибрли спорт қуроли билан «Моҳир ўқчи» йўналишида нишонларни йўқ қилиш бўйича 132 балл йиғиб, ўз номини рекордчилар қаторига қўшиб қўйди.

Шундай қилиб, аёллар ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни Ўзбекистон, иккинчи ўринни Россия Федерацияси ва учинчи ўринни Алжир Халқ Демократик Республикаси жамоалари қўлга киритди.



дунёга кетган. Ана шундай азамат ўғлонларимиз бугун «Отлиқ марафон» мусобақасида муносиб иштирок этиб, яқунда фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Биринчи ўрин Россия Федерация жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринни қозғистонлик ҳарбий хизматчилар банд этишди.

«Хавфсиз маршрут»

Россия Федерациясининг Тюмень вилоятида «ArMI-2021» ўйинлари доирасида «Хавфсиз маршрут» мусобақасининг финал баҳслари бўлиб ўтди. Вакилларимиз ўз гуруҳида 2-ўринни эгаллаб, финал йўлланмасини қўлга киритган эди.


Мусобақа шартларига кўра, «Хавфсиз маршрут» иштирокчилари муҳандис разведка дозори «ИМП-2» тўсиқларни тозалаш машиналари ва «БАТ-2» йўл ётқизгичлари ёрдамида 3 минг метрли тўсиқлардан ўтиш колонналар ҳаракати



учун миналардан тозалаши, йўлларни жиҳозлаши ва «ТММ» оғир механизациялашган кўприги ёрдамида 40 метрли ўтиш жойини қуриши керак.



ArMI – 2021



«Адреевский» полигониди бўлиб ўтган финал баҳси жудаям шиддатли ва қизиқарли бўлди. Унда иштирокчи жамоалар замонавий муҳандислик кўникмаларини намоён этиб, ғолиблик учун кураш олиб борди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин мезбон давлат вакиллари – Россия жамоасига, иккинчи ўрин Ўзбекистон, учинчи ўрин эса Вьетнам давлати жамоаларига насиб этди.

«Муҳандислик формуласи»

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари Халқаро армия ўйинлари доирасида Тюмень вилоятидаги дала-ўқув майдонидида ўтказилган «Муҳандислик формуласи» мусобақасида иккинчи ўринни қўлга киритди.

«Муҳандислик формуласи» мусобақаси доирасида ҳарбий муҳандислардан иборат жамоалар узунлиги 4 километрга тенг йўл бўйлаб қурол ва ҳарбий техникаларни сувли тўсиқлардан сузишга мўлжалланган транспортёрлардан фойдаланган ҳолда олиб ўтди. Финал босқичида иштирок этган жамоалар ичида вакилларимиз фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Шоҳсупанинг юқори поғонаси мезбон жамоага насиб этган бўлса, учинчи ўринни Беларусь жамоаси эгаллади.

«Қутб юлдузи»

Халқаро армия ўйинларининг «Қутб юлдузи» мусобақасида ҳам Мудофаа вазирлиги жамоаси муносиб иштирок этди.

Беларусь Республикасида ўтказилган мазкур мусобақа давомида

иштирокчилар ўқотар қуроллар ёрдамида кундузги ва тунги шароитларда белгиланган нишонларни йўқ қилиш, парашют билан аниқликка сакраш, юк билан 10 км масофага марш югуриш, қўл жанги каби жами 6 та босқични муваффақиятли бажарди.



Эътирофга сазовор жиҳати, беллашувлар давомида мутахассис-пулемётчи кичик сержант Ориф Тиллаев 18,43 сония кўрсаткич билан «Энг яхши пулемётчи» номига сазовор бўлди. Кичик сержант Ҳусниддин Мамажонов эса «Фаол мудофаа» машқида гранатомётдан отиш вазифасини 2,21 сонияда уддалаб, мусобақа рекордини ўрнатди.

Якуний натижаларга кўра, бирин-

чи ўрин мезбон давлат жамоасига насиб этган бўлса, Ўзбекистон жамоаси Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон каби давлатларнинг тажрибали жамоаларини ортда қолдириб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

«Хавфсиз муҳит»

«ArMI-2021» Халқаро армия ўйинларининг «Хавфсиз муҳит» мусобақалари Хитой Халқ Республикасининг Корла шаҳридаги дала-ўқув майдонидида бўлиб ўтди. Мусобақада радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза мутахассисларидан иборат жамоалар 3 босқичда ўзаро куч синашди.

Ҳамюртларимиз биринчи босқич баҳсларида 3-ўринни, иккинчи босқич баҳсларида эса 2-ўринни қўлга киритган эдилар.

Учинчи «Эстафета» босқичида иштирокчи жамоалар 4 000 метрга яқин масофани махсус техникада босиб ўтиш давомида кимёвий захарловчи моддаларнинг турини аниқлаш, техникага яширилган радиоактив манбаларни қидириб топиш, зарарланган объектга махсус ишлов бериш каби вазифаларни бажарди.

Вакилларимиз Россия жамоасини ортда қолдириб, мезбон – Хитой жа-

ҳам ўз якунига етди. Россия Федерацияси Воронеж вилояти Острогжск шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм базасида бўлиб ўтган мурасиш беллашувларда Мудофаа вазирлиги жамоаси муносиб иштирок этди.

Айтиш мумкинки, мусобақа ўта шиддатли ва таассуротларга бой руҳда кечди.

Якка тартибдаги пойга, МТО-УБ-1 экипаж беллашуви, жамоа капитанлари беллашуви ва жамоавий эстафета босқичларида иштирокчи давлат жамоалари бор билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни Россия Федерацияси, иккинчи ўринни Беларусь вакиллари, учинчи ўринни эса подполковник Элдор Парпиев бошчилигидаги жамоамиз қўлга киритди.

«Йўл патрули»

Халқаро армия ўйинлари доирасида Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган «Йўл патрули» мусобақаси ҳам ўз якунига етди. Хусусан, мусобақанинг «Якка тартибдаги пойга», «Тезликни ошириш ва экстремал тўхташ» шартларида вакилларимиз энг юқори натижаларни қайд этди.

моасидан кейинги фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

«Автозирҳли танк-техника усталари»

VII Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказилган «Автозирҳли танк-техника усталари» мусобақаси

Автомобиль ғилдиракларини қисқа вақт ичида алмаштириш бўйича ўтказилган босқич мурасиш ва қизғин баҳсларга бой ўтди. Жамоалар биринчилик учун астойдил кураш олиб борди. Шунингдек, мазкур мусобақанинг ҳарбий-тиббий эстафета шарида ҳамюртларимиз – III даражали сержантлар Сиддиқ Аъзамов ва Фарҳод Мусаевлар фаол иштирок этиб, рақиб жамоалар вакилларини ортда қолдирди ва биринчи ўринни эгаллади.

Якуний натижаларга кўра, вакилларимиз фахрли 3-ўринни қўлга киритди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яна бир нечта мусобақалар бўйича жамоаларимиз бор куч ва маҳоратини намоён этиб, юксак натижалар сари олға боришмоқда. Улар ҳақида гезетамизнинг кейинги сонларида батафсил ҳикоя қиламиз.

**Лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ
тайёрлади.**





Мамлакатимиз сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини инобатга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун тенг шароитларни кафолатлайди.

Сайловлар маълум бир давр оралиғида давлат ҳокимияти таркибини янгилаб, етакчи ғоя, фикр ва устувор йўналишларга яна бир бор назар ташлашни тақозо этади. Шунингдек, сайловлар юртимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига дахлдор, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа, мамлакатнинг энг катта ютуқларидан биридир.

Бу борада, сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларга эътибор берсангиз уларда ёшларнинг иштироки, сиёсий ҳуқуқ ва манфаатлари ифода этилган бўлиб, улар ўзларини тўлақонли шахс, жамиятнинг ҳуқуқий аъзолари сифатида ҳис қилишига кафолат беради. Бироқ айрим мамлакатлар (*Австрия, Аргентина, Бельгия, Греция, Люксембург, Италия, Туркия*) қонунчилигида сайловларда қатнашиш мажбурий вотум, яъни овоз беришда сайловчиларнинг юридик мажбурияти назарда тутилган. Мисол учун: Австрия ва Аргентинада овоз беришга келмаган сайловчига жарима солиниб, 3 йил давомида давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинса, Греция ва Туркияда ҳатто озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнатилган.

Шу ўринда, миллий сайлов қонунчилигининг хорижий мамлакатлар сайлов қонунчилигидан бир қатор афзал томонларини кўрсатиб

САЙЛОВ ТИЗИМИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

ўтиш лозим. Бунда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатларига доир махсус қонун МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб, мамлакатимизда қабул қилинганлиги ҳамда миллий сайлов ҳуқуқининг ўзига хос бўлган, айрим ривожланган давлатлар сайлов тизимидан устун томонларидан бири – доимий ишлайдиган конституциявий мақомга эга орган – Марказий сайлов комиссиясининг фаолият юритишидир.

Сайловларнинг қандай орган томонидан ташкил этилиши ва ўтказилиши борасида хорижий мамлакатларда турлича тажриба шаклланган. Мисол учун, Буюк Британия, Италия, Германия, Францияда сайловларни Ички ишлар вазирлиги ташкил этади, бунинг учун алоҳида идора тузилмайди. Лотин Америкаси мамлакатларида Марказий сайлов комиссияси вазифасини сайлов трибуналлари бажаради. Румыния, Мисрда эса бу вазифани амалга ошириш суд органларига юклатилган. Бразилия, Польша ва Перуда ихтисослаштирилган суд органлари сайлов органлари ҳисобланади. Аммо айрим давлатларда, масалан, Австралияда – Австралия сайлов комиссияси, Канадада – Федерал суд маъмурияти, Никарагуада эса Олий сайлов кенгаши сайлов органи ваколатларини амалга оширади. Покистонда Марказий сайлов комиссияси Олий ва бошқа судлар раислари томонидан танланган уч судьядан иборат бўлади. Румынияда қуръа ташлаш йўли билан Олий суднинг 7 нафар аъзоси Марказий сайлов комиссиясига танлаб олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сайловларнинг мустақил сайлов органи томонидан ўтказилиши сиёсий бетарафлик принципи билан узвий боғлиқдир. Бу принципнинг моҳияти шу билан изоҳланадики, сайловлар мустақил сайлов органи томонидан халқаро стандартларга ва амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ тарзда ўтказилади ҳамда сайлов жараёнида ҳар қандай маъмурият ресурсларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Давлатнинг сиёсий бетарафли принципи «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда

демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисида»ги конвенция (*Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь*), Парламентлараро иттифоқ кенгашининг 154-сессиясида қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисида»ги декларация (*Париж, 1994 йил 26 март*), «ЕХХТда иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар ўтказиш бўйича амалдаги мажбуриятлар» ҳисоботи (*Варшава, 2003 йил 30 июнь*) каби халқаро ва минтақавий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Кези келганда, шуни айтиш керакки, фуқаролар сайлов ҳуқуқидан маълум бир ёшга етганларида фойдаланишлари мумкин. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш ёши ҳам унинг сайлаш (*актив*) ва сайланиш (*пассив*) ҳуқуқидан келиб чиқиб белгиланади. Мамлакатимизда, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия каби давлатларда 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга бўлсалар, Япония, Финляндия, Швейцария, Эрон, Куба, Бразилияда 16 ёшдан, айрим давлатларда, масалан, Экваториал Гвинеяда 45 ёшдан, Миср, Иордания каби давлатларда эса 30 ёшдан эга бўладилар.

Шу ўринда, фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқидан фойдаланиш ёшига тўхталадиган бўлсак, мамлакатимиз сайлов қонунчилигидан келиб чиқиб, уни қуйидаги уч тоифага бўлишимиз мумкин:

➤ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланиш 35 ёшдан;

➤ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлиги ва Сенат аъзолигига сайланиш 25 ёшдан;

➤ Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига эса 21 ёшдан.

Бу борада, хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак, Президентликка Италияда 50 ёшдан, Грузия, Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Украина, Португалия, Мексикада 35 ёшдан, Германия, Латвия, Туркменистон, Литва, Молдова, Эстония, Греция, Туркияда 40 ёшдан сайланиш мумкинлиги кўзга ташланади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига эса Италияда 25 ёшдан, Сенат аъзолигига эса 40 ёшдан, Грузияда парламентга 25 ёшдан, маҳаллий вакиллик органлари (*йиғилиш*)га 21 ёшдан, Беларусда вакиллар палатасига 21 ёшдан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига 18 ёшдан, Россияда Давлат думасига 21 ёшдан бошланади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда номзодлар учун ёшдан ташқари, маълум бир ҳудудда белгиланган муддатда муқим яшаш шarti белгиланган бўлса, айрим давлатларда қайд этилган шартлардан ташқари, маълум миқдорда маблағга эга бўлиши билан бирга диний чекловлар ҳам мавжуд. Хусусан, Япония қонунчилигига кўра, парламент депутатлигига номзодлар 30 000 доллар миқдорида гаров суммаси тўлашлари зарур. Эрон парламентига эса, ислом динига эътиқод қилувчилар сайланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов қонунчилигининг халқаро андозалар ва умумэтироф этган принциплар асосида такомиллаштирилиши қуйидаги икки ўзаро узвий вазифани ҳал этди:

1) мамлакатимиз фуқароларининг муҳим сиёсий ҳуқуқини таъминлаш механизмлари ҳамда кафолатларини вужудга келтиради;

2) давлатимиз ички қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш орқали Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши ва халқаро ҳамжамият кўз ўнгида нуфузи юксак бўлишини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, сайлов тизими, бир томондан, давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг иштирокини таъминласа, иккинчи томондан уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги ғоя, орзу ва интилишларини рўёбга чиқишига кўмаклашади. Шу жиҳатдан сайлов ҳуқуқини амалга ошириш кенг маънода инсон манфаатлари учун, қолаверса, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш учун хизмат қилади.

**Подполковник Ў. ДАВЛЕТОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети докторанти**

ISLOHOTLAR SAMARASI



ҲАРБII ПОЛИГОН ЗАМОН ТАЛАБИГА МОСЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг шонли 30 йиллик байрами арафасида Шимоли-ғарбий ҳарбий округга қарашли Хоразм вилоятида жойлашган «Янгиариқ» умумқўшин полигони иккинчи «туғилган куни»ни нишонлади.

Умумқўшин полигонининг тантанали очилиш маросимида мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов, Хоразм вилоят

жанговар тайёргарлик машғулоти билан мукаммал шуғулланиши, техникаларни сақлаши учун барча қулайликлар яратилди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар эндиликда мамлакатимизда яна битта ҳарбий объект – «Янгиариқ» умумқўшин дала-ўқув майдони ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган халқаро даражадаги полигон бўлганини эътироф этишди.

Тадбир давомида полигон қурилиши ва қайта таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва қурувчи-пудратчи ташкилот раҳбарлари мудофаа ва



ти ҳокими Фарҳод Эрманов, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов, вилоят Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Миллий гвардия, Чегара қўшинлари бошқармалари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарияти, вилоят мактабларида фаолият юритаётган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари, Қўролли Кучлар фахрийлари ва нуронийлар ҳамда Янгиариқ тумани ёшлари иштирок этди.

2021 йилнинг апрель ойида Хоразм вилояти ҳарбий-маъмурий сектори ҳамда Мудофаа вазирлигининг молиявий кўмаги билан «Янгиариқ» умумқўшин полигонига капитал қурилиш ишларини олиб бориш учун рамзий тамал тоши қўйилди. Қисқа вақт ичида полигон ҳудудида янги «ҳарбий шаҳарча» барпо этилиб, унда фаслнинг исталган вақтида шахсий таркибнинг яшаши, овқатланиши,

зири, вилоят ҳокими ҳамда округ қўмондони номидан кўкрак нишонлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ҳарбий объектни қурилиш-таъмирлаш ишларида яқиндан кўмак бергани учун Хоразм вилояти ҳокими – вилоят Ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари Фарҳод Эрманов Ўзбекистон мудофаа вазири номидан I даражали «Намунали хизмати учун» кўкрак-нишони билан тақдирланди.

«Янгиариқ» полигонига 27 та ҳарбий ва ижтимоий объектда тўлиқ капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Хусусан, полигонда замонавий кўринишда ихчам ва қулай шароитларга эга бўлган 350 ўринли иккита ётоқхона, 20 та машғулоти хоналаридан иборат бўлган иккита ўқув биноси, 300 ўринли ошхона, 150 кишига мўлжалланган алоҳида санитар тизим янгидан қурилди ва



зарур ускуна ҳамда жиҳозлар билан бутланди. Шунингдек, полигонда 4 та бошқарув пункти, ёпиқ типдаги 6 та ёзги машғулоти хоналари ҳарбий хизматчилар учун бунёд этилди. Жанговар ва ҳарбий техникаларни сақлашга мўлжалланган янги жанговар техникалар парки, радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза, экстремал шароитда яшаб қолиш, муҳандислик, артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудофаа, алоқачилар шаҳарчалари, руҳий зўриқиш ва армия биатлони йўлаклари, 24 та мураккаб тўсиқлардан иборат бўлган 1 200 метрли разведкачилар тўсиқли йўлаги қурилди. Барча куч ва воситаларни бошқариш, ҳамкорликдаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида замонавий дизайн ва барча қулайликларга эга бўлган 2 қаватли марказий қўмондонлик пункти бунёд этилди.

Тантанали маросимдан сўнг, меҳмонлар полигон ҳудудида ҳарбий хизматчилар учун яратилган қулай шароитлар, янги бино ва ўқув-машқ объектлари билан яқиндан танишди. Шундан сўнг полигонда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ, ДХХ Чегара қўшинлари, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар бошқармаларига қарашли бўлинмалари иштирокида биринчи ҳарбий машғулотлар – кўргазмали мажмуавий тактик-махсус ўқуви ўтказилди.

Тадбир сўнггида хушовоз санъаткорлар, Нукус гарнизони ҳарбий оркестри томонидан концерт дастури намоиш этилди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати**



TUHFA



100 НАФАР ҲАРБII ХИЗМАТЧИГА ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

Марказий ҳарбий округнинг Жиззах гарнизони Олмачи қўрғонида жойлашган ҳарбий шаҳарчада Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан 2 та янгидан қурилган 4 қаватли, 3 та қайта реконструкция қилинган 2 қаватли уйлар, жами 100 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари учун фойдаланишга топширилди.



Замонавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар икки ва уч хонали бўлиб, уларда оилаларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхона, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар замон талаблари бўйича жиҳозланган.

Тадбирнинг очилиш маросимида Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Ойбек Саидов, Шароф Рашидов тумани ҳокими Маҳмуд Холбўтаев, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Парда Шукуров, Нуруний жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси

Норкул Нушаров, фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тумандаги ёшлар ва янги хонадон эгаларининг оила аъзолари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар барча қулайликларга эга янги уй-жойларнинг барпо этилиши ҳукуратимиз ва Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитларини яхшилашга қаратаётган доимий эътибори натижаси эканлигини таъкидлашди. Юртимиз тинчлиги ва



осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ҳам тадбирда сўз олиб, ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан мамнун эканликларини изҳор қилишди.

Тадбир давомида янги хонадон эгаларига калитлар тантанали тарзда топширилди. Меҳмонлар янги хонадонларга кириб, хонадон эгаларига оилавий бахт ва омад тилашди.

Шу кунги ушбу ҳарбий шаҳарчада янгидан қуриб битказилган «Хотира хиёбони» ҳам ҳарбий

хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан бирга Олмачи қўрғонида истиқомат қилувчи аҳоли ва ёшлар ихтиёрига топширилди.

Эндиликда, ушбу масканга ташриф буюрувчи ёшлар Шароф Рашидов туманидан Иккинчи жаҳон урушига кетган ватандошларимизнинг кўрсатган фидойилиги ва мардлиги билан танишиб, уларни хотирлашади.

Лейтенант Отабек НОРБОВЕВ,
Марказий ҳарбий
округ матбуот хизмати



G'AMXO'RLIK




Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ҳамда Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида янги қуриб битказилган ва замонавий жиҳозланган бинолар ҳамда дала-ўқув майдони фойдаланишга топширилди.

Барча қулайликларга эга ва замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган биноларда ётоқхона, кутубхона, руҳий зўриқишларни ечиш хонаси, «Буюк соҳибқирон Амир Темур» ва «Султон Жалолиддин Мангуберди» хоналари ва тактик махсус тайёргарлик синфлари ўрин олган бўлиб, бу ҳарбийларнинг етарли шарт-шароитларда хизматни ўташ имконини беради. Дала-ўқув майдонлари эса реал вазиятларга яқинлаштирилгани ва ҳар қандай шароитда ҳам амалий машғулотларни олиб бориш қулайлигини яратгани билан аҳамиятли. Биноларнинг очилиш маросимида Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги масъул офицерлари, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарлари, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, энг улуғ, энг азиз байрам муносабати билан Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирига бириктирилган 20-умумтаълим мактабида ҳам замонавий тарғибот воситалари билан жиҳозланган «Ватанпарварлик», «Буюк соҳибқирон Амир Темур» ва «Султон Жалолиддин Мангуберди» синфлари ҳам фойдаланишга топширилди. Бу эса ёшларни она юртга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш ҳамда буюк аجدодларимиз руҳига ҳурмат туйғусини оширишга ёрдам беради.

Майор Г. ҲОЖИМУРОВА



Энг улуғ ва энг азиз айём, – мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами арафасида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимларига 2 та кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди.

ҚУШАЛОҚ БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ



Урганч туманидаги Ҳожибойлар маҳалласида қад ростлаган 30 хонадондан иборат 5 қаватли шинам, барча қулайликларга эга бўлган янги уйлар халқимиз ва юртимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиб келаётган Ватан ҳимоячиларига ўзгача байрам тўхфаси бўлди.

Янги уйларнинг калитини эгаларига топшириш маросимида Шимоли-ғар-

бий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Фарҳоджон Шерматов, Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи генерал-майор Даврон Назармухамедов, Миллий гвардия бошқарма бошлиғи полковник Илҳом Бекчанов, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Нуроний кенгаши раиси Маткарим Жуманиязов, юрт ҳимоя-

чилари ва уларнинг оила аъзолари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Янги хонадон эгаларига калитлар тантанали тарзда топширилди. Меҳмонлар янги хонадонларга эга бўлган юрт ҳимоячиларининг уйларига кириб, уларга тинчлик-тотувлик, оилавий бахт тилади.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



ФЕРУЗ САЙИДОВ — ЧЕМПИОН!

«Рио – 2016» ёзги Паралимпия ўйинларида бронза медални қўлга киритган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Феруз Сайидов Японияда бўлиб ўтаётган «Токио – 2020» ёзги Паралимпия ўйинларида чемпионликка эришди. Парадзюдо бўйича -73 кг вазн тоифасида эркеклар ўртасидаги беллашувларда қатнашган MVSM вакили барча рақибларини мағлуб этди. У қозғистонлик Темиржан Даулетга қарши финал баҳсида ҳам катта устунликка эга бўлди ва иппон баҳоси (10:0) билан ғалаба қозониб, олтин медалга сазовор бўлди.



РЎЗА — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ



Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтаётган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Рўза Қўзиева ҳам совриндор бўлди. Парапауэрлифтинг бўйича аёллар ўртасида -61 килограммга вазн тоифасидагилар ўртасидаги баҳсларда қатнашган MVSM вакили Рўза Қўзиева 130 кг тошни ўзига бўйсундирди ва бу натижа унга «Токио – 2020» ёзги Паралимпия ўйинларининг кумуш медалини тортиқ этди.

Расул ЖУМАЕВ

Dzyudo

«МУДОФАА ВАЗИРИ КУБОГИ»

Бугун мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш, бу борада спортнинг ўрнини ошириш, ёшлар ўртасида Олимпия спорт турларини янада оммалаштириш, жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларнинг етишиб чиқишига қўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказида бўлиб ўтган дзюдо бўйича «Мудофаа вазири кубоги»нинг финал босқичи ҳам ана шундай хайрли мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон дзюдо федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақада юртимизнинг турли ҳудудларидан келган 106 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс олиб борди. Беллашувларда ўғил болалар -60, -66, -73, -81, -90, -100 ва ундан юқори, қиз болалар -52, -57, -63, -70, -78 ва ундан юқори бўлган вазн тоифаси бўйича ўзаро куч си-нашдилар.

Икки кун давом этган баҳслар кескин ва мурасасиз кечди. Беллашувларни тажрибали ҳакамлар баҳолаб борди.



Лейтенант Рамиз БАЛИЕВ

Мусобақанинг танта-нали ёпилиш маросимида ғолиблар номи эълон қилинди. Унга кўра, ҳар бир вазн тоифаси бўйича ғолибликни қўлга киритган спортчилар диплом, кубок ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Майор Гулнора
ҲОЖИМУРОВА



"Mustaqillik kubogi"

ФАХРИЙЛАР — ФУТБОЛ МАЙДОНИДА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан 23 августдан 28 августгача Тошкент шаҳрида 40 ёшдан катта фохрийлар ўртасида «Мустиқиллик кубоги» футбол турнири ўтказилди.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон «VETERAN» жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси, ДХХ Чегара қўшинлари Фахрий кенгаши, «KBT STORY» МЧЖ, «ИНТЕР СПОРТ» МЧЖ ҳамкорлигида ўтказилган мусобақа қизғин баҳслар остида ўтди.

Турнирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент вилояти бўлимининг «ТВССБИА лочинлари», Тошкент шаҳрининг «Трактор ФК», «Олмазор ФК», «VETERAN» жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмасининг «Бургут» ва «Сардор» футбол жамоаларидан ташқари, қўшни Қозғистон Республикасининг «Колкент ФК» футбол жамоаси ҳам иштирок этди.

Финал босқич Республика Олимпия захиралари коллежи футбол майдонида «Олмазор ФК» ва «Колкент ФК» жамоалари ўртасида ўтказилди. Қизғин кечган баҳсларда «Олмазор ФК» жамоаси ғалаба қозониб, турнир кубогини қўлга киритди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон футбол ассоциацияси Фахрийлари кенгаши раиси, футбол фахрийси Тўлаган Исохов, ассоциациянинг вице-президенти Рахимидин Зикрияев, ДХХ Чегара қўшинлари Фахрийлари кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Хайрулла Сағдуллаев, Ўзбекистон «VETERAN» жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси раиси



Талъат Муратов, бирлашманинг Тошкент шаҳар бўлими раиси, истеъфодаги полковник Рустам Султанов ва бошқалар иштирок этди.

Якуний натижаларга кўра, турнирнинг II ва III ўринларига Қозғистон Республикасининг «Колкент ФК» ва «VETERAN» жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмасининг «Бургут» жамоалари сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорларга кубок, диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Қозғистон футбол жамоаси турнирда муваффақиятли иштирок этгани учун Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан «Махсус кубок» билан тақдирланди.

Нуриддин БОБОЕВ,
турнир ташкилотчиси

YOSHLAR – KELAJAGIMIZ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ёшлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилиш орқали соғлом турмуш тарзини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан юртимиз туманлари бўйлаб ёшлар фестиваллари ўтказиб келинмоқда.



Навбатдаги тадбир энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллик айёми муносабати билан Тошкент ҳарбий прокуратураси ва Учтепа тумани ҳокимлиги ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида Учтепа туманида ўтказилди.

Тадбир доирасида ҳарбий техникалар ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси, ҳарбий хизматчилар томонидан қўл жанги, ҳарбий оркестр, фахрий қоровул чиқишлари ҳамда Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардияга қарашли ашула ва рақс ансамблларининг концерт дастурлари, қўл меҳнати кўргазмалари, спорт мусобақалари ташкил этилди.

Тадбир жараёнида туманда «Ёшлар дафтари»га киритилган сафарбарлик чакируви резерви

хизматига олинган 23 нафар ёшнинг бадал пуллари, ҳайдовчилик курсларида ўқиётган 5 нафар ёшнинг ўқиш пуллари тегишли жамғармалар томонидан тўланиши таъминланиб, уларга ҳайдовчилик гувоҳномалари ва сертификатлар тантанали равишда топширилди.

Шу билан бирга «Темир дафтар»га киритилган бир қатор эҳтиёжманд фуқароларимиз тикув машиналари, компьютерлар, ҳар хил турдаги жиҳозлар ва ускуналар билан тақдирланди.

Бу каби тадбирлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

**Адлия полковниги
Отабек ХОЛБОВЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурори**

Hashar – elga yarashar

Хар бир байрам арафасида кўчалар, маҳаллалар ва ён-атрофни кўркама ва озода ҳолатга келтириш яхши анъанага айланган. Бу эзгу одат туфайли атрофимиз ўзгача чирой касб этади. Обод юртга озодалик, саранжом-саришталик ярашади.

МАҚСАДИ ОЗОДАЛИК БЎЛГАН АНЪАНА

Наманган ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Янги Наманган туманида жойлашган «Мавлоно» қабристонида ҳашар ташкил этилди. Унда ҳарбий прокуратура ходимлари билан бирга Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳудудий бўлимида 200 нафар кўнгилли қатнашди.

Ҳамжиҳатликда ташкиллаштирилган ҳашар давомида қабристон атрофи тозаланиб, чиқиндилар чиқариб ташланди, ҳудуд кўркама ҳолатга келтирилди.

Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган бу каби анъанавий умумхалқ хайрия ҳашари одамлар ўртасида меҳр-оқибат ва бирдамлик ришталарини мустаҳкамлайди.

**Адлия подполковниги Давлатёр РАХМОНОВ,
Наманган ҳарбий прокурори**

TANLOV

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Мен ўқиган ўттизта китоб» шиори остида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши ёш китобхон» танлови ғолиблари аниқланди.

КИТОБХОНЛИКДА ПЕШҚАДАМ ҲАРБИЙЛАР

Танлов ёш ҳарбий хизматчилар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир меросини ўрганиш, китоб мутолаасига қизиқтириш ҳамда уларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

Биринчи босқичда 1 000 дан ортиқ, иккинчи босқичда 130 нафар, якуний босқичда эса ҳар бир ҳарбий округ миқёсида ғолиб бўлган 7 нафар китобхон ҳарбий хизматчи иштирок этди.

Учта – «Ўзбек адабиёти», «Жаҳон адабиёти» ҳамда «Шеърят» каби шартлардан иборат бўлган танловнинг якуний натижаларига кўра, катта лейтенант Бунёд Қаршиев (Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги) 42 балл билан 1-ўринни қўлга киритди. Катта лейтенант Шаҳзод Мирзақобилов (Тошкент ҳарбий округи) 41 балл билан 2-ўринга сазовор бўлган бўлса, лейтенант Даврон Жўраев (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ) 39 балл билан 3-ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом, китоблар тўплами ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Подполковник Сардорбек АБДУСАМАТОВ,
Мудофаа вазирлиги бўлим катта офицери**

Ogohlik – davr talabi

ГАЗДАН ЗАҲАРЛАНИШДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддаларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда, автоуловлар тураргоҳларида, янги бўялган ва шамоллатилмаган хоналарда, уй шароитида табиий газ чиқиб турганда, печка билан иситиладиган уйлар, ҳаммомлар, дам олиш палаткаларида ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида аҳоли заҳарланиб қолиши мумкин.

МУМКИН ЭМАС:

- ўзбошимчалик билан уйни газлаштириш, газ ускуналари ўрнини алмаштириш, уни янгилаш ва тузатиш;
- газ асбоблари ўрнатилган хоналар режасини ўзгартириш;
- дудбурон ва шамоллатиш тизимларини ўзгартириш;
- хавфсизлик ва соғлаш автоматикасини узиб қўйиш;
- мактаб ёшидаги болалар, шунингдек, ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган шахсларнинг газ асбобларидан фойдаланиши;
- газ ва газ асбобларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;
- газ асбоблари ўрнатилган хонада ухлаш ва дам олиш.

БИРИНЧИ ЁРДАМ

Барча ҳолатдаги оғир заҳарланишларда зудлик билан тез тиббий ёрдам чақириш зарур. Шифокор етиб келгунга қадар:

- жабрланувчини зудлик билан газланган ҳудуддан тоза ҳавога олиб чиқиш;
- жабрланувчининг қўл ва оёқларини кўтарилган ҳолатда ётқизиш;
- нафас олишига халақит берувчи барча нарсаларни йиғиштириш (тугмаларни ечиб, ёқани очиш, камарни бўшатиш ва бошқалар);
- жабрланувчининг ухлаб қолмаслигини назорат қилиш. Жабрланувчини юргизиш тақиқланади. Нафас олмаётган бўлса, унга тоза ҳавода ёки ҳавоси яхши айланадиган хонада сунъий нафас олдиришни бошлаш лозим;
- нашатир спиртини ҳидлатиш;
- ҳушига келган вақтда йиқилиб, жароҳатланмаслиги учун зарур чоралар кўриш;
- жабрланувчининг ҳолати яхши бўлса, иссиқ чой ёки қаҳва ичириш;
- кислород ёстиғи ёрдамида кислород бериш лозим.

**Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,
Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи**

JANGOVAR ISHLANMALAR



ЯНГИ ЎЗИЮРАР ҚУРИЛМА

«Скайрейнджер» деб номланган ўзиюра зенит артиллерия қурилмасини яратиш ишлари давтавал Швейцариянинг «Эрликон контра-вес» компанияси томонидан бошланган, аммо бу компания Германиянинг «Рейнметалл» фирмаси таркибига кирганидан сўнг унинг «Рейнметалл эр дефенс» бўлими мазкур лойиҳа муаллифига айланган. «Пирана» типидagi машиналар (филдираклар формуласи 8 x 8) оиласига кирувчи мазкур зирхли жанговар техникага «Эрликон» Mk 3 типидagi 35 мм.ли автоматик тўпга эга бўлган башня ўрнатилган. Ҳаво нишонларини янада самарали яқсон қилиш мақсадида жанговар комплект таркибига AHEAD (Advanced Hit Efficiency and Destruction) типидagi дастурланувчи портлатгичли ўқ-дорилар киритилган. Тўпнинг максимал отиш узоклиги 4 000 метр, отиш темпи дақиқасига 1 000 та ўқ ўзишни ташкил этади. Қўшимча илма модуллар ўрнатиш имконияти ҳам мавжуд. Башня томига куннинг исталган вақтида ҳаво нишонларини аниқлаш ва кузатиб бориш учун мўлжалланган радиолокация станцияси ва оптик-электрон блок жойлаштирилган. Жанговар машина мустақил равишда, шунингдек, қўмондонлик пункти билан уйғунликда ҳаракатланиши мумкин. Ўт очишни бошқариш тизими қўлда, ярим автоматик ва автоматик режимда отишни таъминлайди. Машина экипажи уч киши – командир, ҳайдовчи ва наводкачи-оператордан иборат.

С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Американская компания «Дженерал дайнэ-микс» представила свой вариант прототипов нового стрелкового оружия, создаваемого

для замены в перспективе состоящих сейчас на вооружении автоматического карабина M4 и пулемёта M249. Планируется разработать линейку вооружения под обозначением RM-277, где цифра 277 означает, что в качестве боеприпасов к оружию будет использоваться новый перспективный патрон калибра 6,8 мм (по американской классификации калибр 277, что означает миллиметры в перерасчете на дюймы). В настоящее время создаются образцы NGWS-R (штурмовая винтовка) и NGWS-AR (ручной пулемет). Новое оружие выполняется в компоновке буллап, на нем смонтирован глушитель необычной формы, внешне напоминающий круглый цилиндр без отверстий для выхода пороховых газов. Этот глушитель выступает в роли пламегасителя и является образцом использования современных технологий. Он представляет собой полностью монолитную деталь, изготовленную методом 3D-печати путем лазерного спекания металлического композита, состоящего из титана и никель-хромового жаропрочного сплава. В случае начала серийного производства этих изделий командование сухопутных войск США планирует заказать 250 тысяч единиц перспективного оружия и 150 млн патронов к нему.

ЗАМОНАВИЙ
ТИЗИМЛАРГА ЭГА

Ҳиндистон Ҳарбий денгиз кучларига қарашли «Каморта» типидagi корвет қурилиши 2006 йилнинг 18 ноябрида Калькутта шаҳрида жойлашган «Гарден рич шипбилдинг энд инжиниринг» кемасозлик корхонасида бошланган, 2010 йилнинг 19 апрелида сувга туширилган ва 2014 йилнинг 23 августиди мамлакат ҳарбий флоти таркибига киритилган. Жанговар кеманинг тўлиқ сув сизими 3 150 тонна, узунлиги 109,2 метр, эни 12,8 метр, сувга ботиб туриш даражаси 3,7 метр. CODAD схемаси бўйича ишланган икки валли бош энергетика қурилмаси таркибига умумий қуввати 22 080 та от кучига тенг бўлган тўртта дизель двигатели киради. Корветнинг тўлиқ юриш тезлиги 25 узел, сузиш узоклиги тежамкор 12 узел

тезликда 4 000 миляни ташкил этади. Қуроллари: «Барак-1» типидagi зенит-ракета комплексининг 12 катакли ишга тушириш қурилмаси, «Супер Репид» типидagi 76 мм.ли автоматик қурилма, АК-630 типидagi зенит-артиллерия комплексининг иккита 30 мм.ли, олти стволли қурилмаси, иккита 12 стволли РБУ-6000 типидagi қурилма, иккита 533 мм.ли икки қувурли торпеда аппарати. Шунингдек, кемага «Бхарат» русумли радиолокация станцияси, HUMSA типидagi гидроакустика тизими ҳамда шатакка олинувчи гидроакустика тизими сингари радиоэлектрон воситалар ҳам ўрнатилган. «Каморта»нинг орқа қисмида Ка-28ПЛ ёки «Дхрув» типидagi вертолёт учун мўлжалланган майдонча жиҳозланган. Кема экипажи 195 кишидан иборат.

НОВАЯ СВЕРХТОЧНАЯ
РАКЕТА

Специалисты израильской компании Rafael представили новую противокорабельную ракету (ПКР) Sea Breaker («Разрушитель моря»), которая должна эффективно поражать надводные и наземные цели на дистанциях до 300 километров. Новая ракета относится к пятому поколению оружия, оснащена бортовым компьютером, позволяющим использовать искусственный интеллект с алгоритмами поиска, распознавания целей и автономного (без вмешательства оператора) принятия решения при выборе цели для ее уничтожения. Sea Breaker относится к классу «корабль-корабль», ее можно запустить с корабельных и береговых пусковых установок. Маршевый полет проходит с дозвуковой скоростью (М-0,85-0,9), на высоте волн от двух до пяти метров в зависимости от состояния моря, и управляется с помощью мультиспектральной инфракрасной головкой самонаведения (ГСН). Планер изготовлен по стелс-технологии из радиопрозрачных и радиопоглощающих материалов, что затрудняет ее обнаружение радиолокационными средствами противника. Ракета оснащена миниатюрным двухконтурным турбореактивным двигателем TRI 60 от компании Safran Microturbo с тягой 3,73 кН с цифровой системой управления. Sea Breaker достаточно компактна: ее диаметр 300 мм, длина 3 980 мм с раскладывающимися углепластиковыми крыльями. Стартовый вес ПКР – менее 400 кг. Эта новинка компании Rafael представлена как полностью автономная и сверхточная система, способная эффективно атаковать различные стационарные и мобильные морские и наземные цели.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

БИОЛОГИК ҚУРОЛ ЭМАС



АҚШ миллий разведкаси SARS-CoV-2 коронавирусининг келиб чиқишини ўрганишга оид текширувлар хулосаларини эълон қилди. Ҳужжатда таъкидланишича, вирус Хитой томонидан биологик қурол сифатида ишлаб чиқилмаган ва хитойликлар ҳам коронавируснинг дастлабки ўчоқлари пайдо бўлмагунча вирус ҳақида маълумотга эга бўлмаган. Бундан ташқари, разведка тузилмаларининг аксарияти SARS-CoV-2 коронавируси ген муҳандислиги ёрдамида яратилмаган, деган фикрга келган.


ҚОР ЎРНИГА ЁМҒИР



Гренландиянинг музлик тоғларида 1950 йилдан бери олиб борилаётган қузатувлар давомида илк бор қор ўрнига ёмғир ёғди. CNN хабарига қўра, август ойи ўрталарида оролда ҳарорат охириги 10 йил ичида учинчи марта 0 даражадан ошган ва бундай илиқ ҳаво кучли ёмғирга олиб келган. Бунинг натижасида тоғлардаги музликларга 7 млрд тонна сув тушган ва уларнинг рекорд даражада эришига олиб келган. Мутахассислар сўнгги 25 йил мобайнида Гренландияда музликларнинг эриш тезлиги 7 марта ошганини таъкидлашмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИГА МОСЛАШТИРИБ



АҚШнинг Майами шаҳрида «пандемия шароитига мослашган» Legacy Tower биноси қурилиши бошланди. Баландлиги 182 метр бўлган 55 қаватли бино пандемия шароитида яшаш учун барча шароитларга эга бўлади, деб хабар берди GlobeNewswire. Иншоотда 310 та резиденция, 210 дан ортиқ меҳмонхона номерлари жойлашади. Ўнта қават эса соғлиқни сақлаш муассасаларига берилади. Хусусан, у ерда майдони 11 минг квадрат метрдан иборат тиббиёт маркази фаолият юритади.

СУНБАТ

Е'ТИБОР

ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БИЛАН УЧРАШУВ

Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг шижоатли ва жасур спортчилари халқимизга кўплаб унутилмас лаҳзалар ҳамда ёрқин ғалабаларни тақдим этдилар. Албатта, қўлга киритилган ютуқлар давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамига муносиб тўхфа бўлди.



Алпомишлар юрти – Сурхон заминидан туғилиб ўсган ёш, маҳоратли ва енгилмас спортчимиз, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Баҳодир Жалолов ҳам дунёдаги энг нуфузли мусобақада барча рақибларини катта устунлик билан мағлуб этиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Таниқли спортчини қутлаш мақсадида Сурхондарё вилоятидаги ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида «Чемпион билан учрашув» номи тадбир ўтказилди.

Сарҳадларимиз посбонлари ва уларнинг оила аъзолари иштирок этган мазкур учрашув давомида Баҳодир Жалолов чемпионлик даражасига етиб келгунига қадар босиб ўтган машаққатли йўли, қизғин ва мурасасиз кечган мусобақалар жараёни ҳамда узоқ вақт кутилган ғалабага эришганида қалбида кечган ҳис-ҳаяжонларини чегарачиларга сўзлаб берди.



Ўз навбатида, чемпионнинг фаолияти ва боксга иштиёқи баланд ҳарбий хизматчилар ҳам ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар. Таъкидлаш жоизки, мазкур учрашув иштирокчиларнинг келгусида жисмонан баркамол бўлишлари ҳамда спорт машғулотлари билан янада фаолроқ шўғулланишлари учун мотивация вазифасини ҳам ўтади.

Тадбир якунида исми жисмига мос ўғлон – Баҳодир Жалоловга ҳарбий қисм қўмондонлигининг эсдалик совғалари топширилди.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
ДХХ Чегара қўшинлари**

Ватанимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш йўлида ҳалок бўлган ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида олган ногиронлиги учун нафақага чиққан юрт фидойилари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ёдга олинди ва уларнинг оилаларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

ҚАҲРАМОНЛАР

УНУТИЛМАЙДИ!

Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий округи, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ва Олмазор тумани мудофаа ишлари бўлими офицерлари, фахрийлар ҳамроҳлигида Олмазор ҳамда Учтепа туманларидаги хонадонларда бўлди ва уй эгаларига Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган пул маблағлари топширилди. Юрт фидойиларини хотирлаш қанчалик оғир бўлмасин, ҳарбий офицерлар билан Ватанимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш йўлида ҳалок бўлган Абдукарим Ҳамроев, Абдумажид Усмонов, Азад Балтаев, Фарҳод Ибрагимов хонадонларига кириб борганимизда байрам арафасида кўрсатилган бундай эътибордан яқинларининг кўзлари ёшланди.

– Турмуш ўртоғимнинг ҳаёт йўлини давом эттираётганимдан мамнунман. Ораимизда хонадонимиз соҳибининг йўқлигини айтмаганда, оиламизнинг барча аъзолари ҳарбий соҳада хизмат қилиб келямиз. От изини той босади, деганларидек, ўғлим офицер. Давлатимиз

ва Мудофаа вазирлиги томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли шундай бахтли кунларни кўриш насиб этди, – дейди марҳум майор Абдукарим Ҳамроевнинг турмуш ўртоғи Ҳилола Ҳамроева.

– Умр йўлдошим ҳалок бўлганда, кичкинаимиз Азамат ўшанда эндиgina 4 ойлик эди. Оиламиз таянчини йўқотиш биз учун оғир зарба бўлди. Худога шукр, давлатимиз, Мудофаа вазирлиги томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар туфайли фарзандларимнинг камолини кўриш насиб этди. Катта ўғлим Шухратжон Ахборот технологиялари университетининг Махсус факультетини тугатиб, отаси сингари офицер бўлди. Ҳозир катта лейтенант. Қизим Жаҳон тиллари университетини тамомлади. Кенжатайимиз Азамат эса Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг 4-курсини тугатди... Улар отасининг қаҳрамонлиги учун давлатимиз томонидан берилган имтиёзлар туфайли шу даражага эришди. Мустақиллигимиз

нинг 30 йиллиги арафасида хонадонимизга байрам кайфиятини олиб кирганингиздан мамнун бўлдик, – дейди марҳум майор Абдумажид Усмоновнинг турмуш ўртоғи Зулфия Усмонова.

– Фарзандларимнинг отаси қисқа умр кўришига қарамай, ўзидан муносиб издошлар қолдирди. Буни дўстлари, шогирдлари, фарзандларим мисолида айтишим мумкин. Турмуш ўртоғим хотираси учун йўқлаб келганларингиздан бошим кўкка етди. Яқинда у киши ҳалок бўлган жойда Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ёдгорлик ўрнатилди. Ўғлим Жаҳонгир насиб қилса, отаси каби офицер бўлади. Ҳозир у Россиянинг Смоленск шаҳридаги ҳарбий академияда таҳсил оляпти. Яқинда у таътилга келди... Ўғлимнинг, сизларнинг ташрифингиз ўқсик қалбимга қувонч олиб кирди, – дейди марҳум майор Азад Балтаевнинг турмуш ўртоғи Зулхумор Кариева.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»**

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ



Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Беларусь Президенти Александр Лукашенко ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали суҳбатда томонлар ўзаро ҳамкорлик, шу жумладан стратегик ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, раҳбарлар икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутладилар. Бундан ташқари, Душанбеда бўлиб ўтадиган КҲШТ саммитига тайёргарлик борасида фикр алмашдилар.

СЎНГИ 20 ЙИЛ МОБАЙНИДА



Уотсон халқаро тадқиқотлар институти томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, Афғонистондаги жанговар ҳаракатлар мобайнида охириги 20 йил ичида 241 мингга яқин одам ҳалок бўлган, улардан 71 мингдан кўпроғини тинч аҳоли вакиллари ташкил этган. Таъкидланишича, жанговар ҳаракатлар тўхтаган вақтларда ҳам портламай қолган бомбалар, миналар ва қўлбола мосламалар сабабли одамларнинг қурбон бўлиши, жароҳатланиши ва мажруҳ бўлиши давом этган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Қирғизистон Бош вазири Улукбек Марипов кончиларнинг касб байрами муносабати билан йўллаган табригида мамлакатда кўмир қазиб чиқариш ҳажми йилига деярли 2,5 миллион тоннага етгани ва бунга соҳа ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли эришилгани, шунингдек, Қирғизистон иқтисодиёти кўмир саноатисиз ҳозирги суръатларда ривожлана олмаслигини таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, ҳозирда мамлакат кўмир захиралари бўйича Марказий Осиёда Қозоғистондан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKIOTLARIDA



ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Барча юртдошларимиз қатори мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик шодиёнасини муносиб кутиб олган Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Китоб тумани Макрид ўқув-спорт техника клуби жамоаси (ЎСТК) ҳам айни кунларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиш борасида муайян натижаларга эришиб келмоқда.

Айниқса, бундай жўшқинлик «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда ўз ифодасини топомқда. Чунки бу саъй-ҳаракатлар замирида ёшларнинг она Ватанга содиқ, онгли фуқаролар сифатида шаклланишига кўмаклашиш, улар қалбида ватанпарварлик ғояларини камол топтиришдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

– Клуб жамоасининг турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган, – дейди ЎСТК

бошлиғи Жасур Темиров. – Бу борада айниқса, туман мудофаа, халқ таълими, Ёшлар агентлиги бўлимлари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши билан мустаҳкам ҳамкорлигимиз ютуқлар пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳамкорлигимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил топганлигининг 30 йиллик қўшалок байрами муносабати билан янада изчил тус олмоқда.

Макрид ўқув-спорт техника клубида ёшлар спортнинг техника ва амалий турлари билан шуғулланишлари учун ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айни пайтда бу ерда «Дуатлон», «Автоспорт» каби тўғрақлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўттизга яқин ёш мунтазам равишда шуғулланмоқда. Ўз навбатида ҳаваскор спортчи ёшлар ўртасида туман ва вилоят миқёсида турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўндан зиёд спорт мусобақаси ўтказилди. Бундан ташқари, спортчиларимиз республика миқёсидаги нуфузли мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Масалан, шу йилнинг март ойида Жиззах вилоятида ўтказилган республика миқёсидаги автокросс бўйича мусобақада иштирок этган спортчимиз Зоид Жўраев фахрли 3-ўринни эгаллади.

Ташкилотда ҳайдовчилар тайёрлаш жараёни ҳам намунали ташкил этилган.

Ўтиладиган ҳар бир фан, махсус назарий ҳамда амалий машғулотлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

2021 йилнинг саккизи ойи мобайнида ташкилот


ўқув курсларини 500 нафарга яқин тингловчи битказиб, йўлланма олди.

Бундан ташқари, «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари» рўйхати га олинган ёшлар ўқувини ташкил этиш борасида ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Дастлаб 25 нафар ёш «ВС» тоифали

ҳайдовчилик курсида таълим олган бўлса, яна 10 нафар ёшнинг газ-электрпайвандчи мутахассислиги бўйича ўқитилиши йўлга қўйилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу масканда ҳам техника илмини пухта эгаллаган мутахассислар талайгина. Ўз навбатида уларнинг маҳоратларидан самарали фойдаланилмоқда. Тажрибали ўқитувчи ва амалий бошқаришни ўргатувчи-усталар бўлажак ҳайдовчиларга автомобилларни моҳирлик билан бошқариш сир-асрорларини қунт билан ўргатишмоқда. Шундан бўлса керак, ЎСТКда машғулотлар доимо қизиқарли ва мазмунли олиб борилишига эришилмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОВ



Китоб тумани Макрид ўқув-спорт техника клуби жамоаси туманда истиқомат қиладиган барча ёшларни «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари – «Дуатлон» ва «Автоспорт» каби тўғрақларда шуғулланишга таклиф этади.

 Китоб шаҳри «Санам» МФЙ,
Шаҳрисабз қўчаси, 27-уй.
 97 440-01-20; 97 365-02-10.



MULOHAZA

ТЕНГДОШИМГА ЛАШГУНИМЧА...

Нихоят, энди мен ҳам талабаман! Энди тунни бедор ўтказиб китоб ўқишлар, тесту топшириқларни бажаришдан озодман. Ота-онамдан «Нимага ўқимаяпсан?», деган даkki эшитмайман, устозим ўқувчиларнинг ичида аввалгидек изза қилмайди. Ахир эпладим. Орзумга эришдим.

Энди ўқимасам ҳам бўлади. Чунки дўстларим «Талаба бўлгунингча қийналиб бўлса ҳам ўқи, кейин шу билимининг ўзи етарли», дейишган. Тўғриси, ҳозир институтга давомат учун бораман. Қани эди келиш-кетишни назорат қилишмас. Маърузаларда ухлаб қолай дейман. Баъзан кўзим илинади ҳам. Яхшиям телефоним бор, жонимга оро киради. Зериксам, интернетда «ўтираман». Назорат ишларини топшириш бошланса амаллайман, энг осони – ёнимдагидан кўчириш. Баъзан профессор-ўқитувчиларнинг бизни «гапиртиргиси» келиб қолади. Бахтимизга гуруҳимизда Мухаммадали деган йигит бор. Исталган ўқитувчига сўраганини айта олади. Адабиётнинг-ку, ич-ичига кириб кетган. Хоҳласа, саксон дақиқа тинмай гапирди. Фикрлари теран. Ҳамма ўқитувчилар уни яхши кўради. Мен ҳам уни ҳурмат қиламан. Хотираси кучли. Агар кўзлари кўра олганда бундан ҳам кўпроғига эришган бўлармиди, деб ўйлаб қоламан баъзан. Ҳа, айтгандек, унинг кўзлари кўрмайди. Шунча билимни эшитиб ўрганган...

Бир-икки кундан буён дарсларда кўринмай қолди. Кейин билсак, шифохонада экан. Ўрни билинди. Саволларга жавоб берадиган мардимиз йўқ. Аби-туриентликда ўқиганларим ҳам хотирамни тарк этганга ўхшайди. Бугун Мухаммадалини кўргани бормоқчиман. Фақат ўртоқларимга «бирга ошга борамиз», деб қўйгандим.

Дўстларнинг бори яхши-да. Ош устида суҳбат ҳам қизиди. Жасур яқинда танишган «гўзал»ини мактади, суратини кўрсатди. Ҳавасимиз келди. Достон бўлса, ўтган сафар телефондаги бир ўйиндан анча пулини ютказган экан, энди икки ҳисса ютиб олибди. Оғзи қулоғида. Мен ҳам бўш келмай, кечагина отам олиб берган сўнгги русумдаги телефонни кўрсатиб, керилдим. Телефон қўлдан-қўлга ўтиб, даврани бир айланди, ҳамма «юксин-юксин» қилди. Шу билан яқинда олган стипендиямиз ошпазнинг чўнтагига тушди. Э, пулни ўйлаб нима қилдим – отам омон бўлсин!

Оғайнилар билан хайрлашиб, тўғри Мухаммадалининг ёнига бордим. Яхши қилдим шу ишни. Роса хурсанд бўлди. Лекин негадир ҳеч суҳбатимиз қовушмади. Унинг кўп фикрларига ақлим етавермади, бирор китоб ҳақида сўз очса, ўқимаганим панд берди. Кўча гапларини Мухаммадалига гапиришим маънисиз эканини биламан. Бироздан

сўнг у ўрнидан силжиб, ёнида турган стол устидаги китобни олди. Бу Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари эди.

– Абдулазиз ака (*ёшимиз тенг бўлса-да у мени негадир ака дерди*), мен бу китобнинг аудиосини бир неча марталаб эшитганман, сўзлари деярли ёд бўлган, – деди у китобни силаб. – Шундай бўлсаям бу ой олган стипендиямга китобини сотиб олдим. Ака, сиз китобнинг муқовасидаги суратларни менга таърифлаб беринг, илтимос...

Китобни қўлимга олдим ва таърифлай бошладим:

Муқовага Отабек ва Кумушнинг сурати туширилибди. Отабек олдинда турибди, дўппи кийган, сийрак мўйловли, ўйчан. Ортида Кумуш – рўмолда, юзида холи бор, ўзбек қизларига хос ибоб билан қараб турибди...

Худди шу тарзда билганимча тасвирладим. Мухаммадали бўлса, деразадан тушаётган ёруғликка бошини бир оз буриб, қошлари хиёлга чимирилган ҳолда нималардир ҳақида ўйлаб ўтирарди. Назаримда, бор вужуди билан китобни ҳис қилишга, уни қалби билан кўришга интилаётгандек.

Бироздан сўнг мақсадлари ҳақида гапириб берди.

– Ўзимнинг катта кутубхонам бўлишини хоҳлайман. Унда кўп китобларим бўлади. Бошқаларнинг ҳам китобларимдан фойдаланишига имконият яратаман. Ўзим эса илм билан шуғулланаман, изланишлар олиб бораман. Ҳозир бунинг учун ҳаммамизда имконият етарли.

Унинг гапларини эшитиб, танамга титроқ югурди. Худди чумолилар тўдаси товонимдан бошимга ўрмалаб чиқаётгандек. Кейин чақишни бошлади, виждоним бўғзимга тикилди, бир томчи ёш кипригимдан узилди. Ўзи нимжон, шу билан бирга имконияти чекланган бу йигитнинг дардни писанд қилмасдан катта мақсадлар сари интилаётгани унинг қанчалик кучли эканидан далолат берарди.

...Йўлда кетяпман, ёмғир савалаб ёғаяпти. Гўё у заминга эмас, менинг кўнглимга ёғаетгандек хўрлигим келарди. Охиста қадам ташлаганча, ўтган умримни сарҳисоб қилдим. Ҳа, вақтни оқар сув, деб бежиз айтишмас экан. Мана, ҳаш-паш дегунча ўқув йилининг ярми тугади. Хўш, мен ўтган вақт давомида нимани ўргандим? Билим ололдимми? Ким учун ўқийман ўзи? Мухаммадалини биров ўқишга мажбур қиялтимми? Ўқишни тугатиб, диплом ҳам олдим, дейлик, кейин ёшларга қандай таълим бераман? Қанақа устоз чиқади мендан, ўқувчиларнинг ҳурматини қозона оламанми? Шундай сўнгсиз саволлар гирдобиде қолдим. Виждоним қийналди. Эҳ, ўқишга кирдим, ҳаммасига эришдим, деб ўйлабман-у, аслида тенгдошимга ҳам тенглаша олмаган эканман. Афсус, бу менинг хатоим экан...

Эркалининг меъёрдан ошган кунларнинг бири. Ҳар тонг онангнинг «Тур, турақолгин», дейишига қарамай кўзинг очилмасди. Бугун эса ҳаммадан эрта ўйғондинг. Шунда ҳам ўз хоҳишинг билан эмас, яқинда жўжа очган товўқ келиб юзингни чўқиғач, чўчиб ўйғондинг. Кейин акаларингдан бирининг оёғини, бирининг қўлини босиб, онангнинг ёнига борасан. Елкасини туртасан: «Туринг, ойи, туринг!»

Онанг олти боланинг кийимларини юйиб, ором олиш учун эндигина бошини болишга қўйганига қарамасдан ўрнидан туради. Ваъдасини ёдига соласан: «Мактаб форма олгани борамиз», дегансиз. «Борамиз, борамиз», дейди онанг бошидаги рўмолини тузатаркан. Юз-қўлингни чала ювасан-у, кийинишга ошиқасан. Бирин-кетин ака-опаларинг ҳам ўйғонади. Онанг уларга кунлик юмушларни тайинлайди: қўйларни ўтлатиш, беда ўриш ва сигир соғиш. Улар сенга ҳавас билан бир қарайди-да, айтилган юмушларни бажаришга тушади. Сен эса бугун ҳар куни истамай бажарадиган ишинг – жўжаларни боқишдан озодсан. Онанг кийимларингни кийдиргач, уй тўридаги байрамлар ва меҳмон келганда очиладиган сандиқни титади. Олдинга ёзил

«Onang-chi, onang hech xiyonat qildimi senga?! Har kim har kimning ko'ziga cho'p solishi mumkin, har kim har kimga xiyonat qilishi mumkin, faqat ona o'z bolasiga hech qachon xiyonat qilmaydi. Ehtimol, inson hayotining shuncha yillardan beri davom etib kelayotgani shundandir».

O'tkir Hoshimovning «Dunyoning ishlari» asaridan



ган дастурхонга ҳовучида новвот, қанд-курс ташлайди. Кейин ўз ишларига шошади. Ичингдаги ҳаяжон овқатланишга йўл бермайди. Қандларни чўнтагинга соласан-у, ўзингни ташқарига отасан. Нимагадир урилиб, ерга йиқиласан. Уст-бошинг чанг... Қўлингни қайириб олдинг. Одатинг бўйича бор овозингда йиғлай бошлайсан. Онанг ўрнингдан турғизади. Худди у айбдордек ҳиқиллайсан: «Ёмон йиқилдим».

Салдан кейин пайқайсан, у ҳам йиқилган. Ўтган йили кичик холаңг олиб келган чит қўйлаги чанг. Қўлида олиб чиққан бир даста пули ҳам сочилиб ётибди. Дарров йиғлашдан тўхтаб, пулларни терасан. Онанг бўлса, уч-тўрт қадам нарига учиб борган, алланималар ёзилган бир парча қоғозни олади. Икки буклаб, чўнтагига солади. Қўлингга ғижимланиб турган пулларни узатасан. Уларни тахлаб, ранги ўчган рўмолчасига тугади. Остона ҳатлаб кўчага чиққач, ордан онангнинг овози келади: «Биринчи дориларингизни олинг!» Сенга бу гапнинг дахли йўқлигини ўзингча тушуниб, олдинда кетасан. Кўзинг тушган бир-икки тенгқурингга макташга ҳам улгурасан: «Биз бозорга кетяпмиз. Яқинда мактабга чиқаман». Биргаллашиб бозорга етасиз. Онанг энди дорихона томон қадам ташлаганда этагидан ўшлаб, «Асалпахта» деб кичқираётган хола томон тортқилайсан,

ёнидаги хўрозқанддан шимгинг, газли сувдан ичгинг келади. Чўнтагингдаги қандларни писанд қилмайсан. Волиданг кўнглингга қарайди. Шу қўйи бозор қилишга киришасизлар. Кийимларинг энг чиройлисига талпинасан. Онанг қулоғингга охиста шивирлайди: «Жон болам, пулимиз сал камроқ-да». Дарров аччиқланасан. Ахири кўнади. Савдогар ҳам сенинг ҳолатингни кўргач, худди ўзингдек нархга маҳкам туради. Онанг ҳали сенга, ҳали сотувчига илтимос қилиб ҳолсизланади. Бирдек ўзгаришсиз тураверасизлар. Навбат оёқ кийими олишга келади. Энг тепада турган чиройли туфлига кўзинг тушади. «Ана уни, ана у-у-уни кияман». Сотувчи огоҳлантиради: «Нархи бир оз қимматроқ». Онанг чўнтагида қолган пулни санаб, етмаслигини сезгач сенга қарайди. Ҳеч нарсани билмагандек тураверасан. Йўқ, хоҳласа ҳам олиб беролмади. Йиғлайсан, қўлингдаги дафтар-қаламингни ерга отасан. Онанг атрофдагилардан уялиб, кўз ёшингни артади. Бағрига босади. Кўнмайсан. Чорасиз тарсаки туширади. Кўз ёшларинг тинади. Сал арзонроқ бўлса ҳам оёқ кийими олиб беради. Уйга қайтасизлар. Бурнинг қизариб, кўзларинг шишган. Эрталабки кайфиятдан нишон ҳам йўқ. Опанг хавотир билан нима бўлганини сўрайди. Онангга эшитиладиган қилиб айтасан: «Дадам бўлганида айтганларимни олиб берарди...»

Ҳовли чеккасига чопиб кетасан. Бу гапни нега айтганингни билмайсан.

Отанг дунёдан ўтганида ҳали гўдак эдинг. Балки дўстингнинг отаси ўшанақа қиммат туфли олиб бергани учун шундай дегандирсан. Айтган гапинг онангнинг қалбини нимталаганини сездингми? Гарчи отангнинг эрта дунёдан ўтишида муштипарингнинг заррача айби бўлмаса ҳам, шу сўзинг «Дадамни сиз ўлдиргансиз!» дегандек қулоқларида жаранглаганини биласанми? Билмайсан! Ўша туфлини ололмаганинг ўз дунёнг учун оғир мусибат бўлса ҳам, аслида ундай эмасди. Мактабга борасан. Саводинг чиқади. Бир куни дафтарларинг орасидан бозорга кетаётиб шамолда учиб кетган, кейин уни онанг чўнтагига солган қоғоз чиқади. Қийналиброк ўқийсан. Дори номлари ёзилган. Опангнинг огоҳлантиришига қарамай, дорини олиш онангнинг ёдидан кўтарилганига ўзингни ишонтirasан. Яна буклаб, «Катта бўлсам, ўзим олиб бераман» деган ниятда асраб қўясан...

Университет остонасига қадам кўяр экансан, кеча қимматга олган туфлинг онанг олиб берган «арзон» оёқ кийими олдида ғариб эканини сезасан. Юрагингда нимадир чирт этиб узилгандек бўлади.

Талабаларни кутиб олиш маросими – катта тантана. Бошқаларнинг ота-онаси ҳам келган. Расмий очилиш тугагач, ҳамма фарзандлари билан даврага чиқиб, рақсга туша бошлади. Ўзингни четга тортасан. Хаёлингда давра ўртасида бошида эски рўмол, эғнида кичик холаңг берган чит қўйлақда сенга таниш йиғлоқи болакай билан севиниб ўйнаётган онанг гавдаланади. Атрофдагилар хурсанд. Фақат ҳеч кимга кўринмай йиғлайсан. Ёшлигингда онанг туширган тарсаки (*бу иши учун ўзини анчагача айбдор сезган*) кўз ёшларингни тўхтатганди. Бугун ҳаёт тушурган тарсаки энди бутун умр йиғлатиши тайин. Дастрўмол ахтариб, чўнтагингга қўл соласан. Ўша таниш икки букланган қоғоз чиқади ёнингдан. Унга тикилганча жим қоласан. Кейин эса хаёлан унга мурожаат қиласан: Кечир, менинг «мен»им, кечиринг, онажоним!..

NOMZODLARNI SARALASH SODDALASHTIRILMOQDA

Umumta'lim maktablari, akademik litsey va kollej bitiruvchilari orasida harbiy xizmatga qiziqish oshib, ushbu sharaflı kasbni egallashga ishtiyoq tobora yuksalmoqda.

Buni joriy yilda kursant bo'lish istagini bildirgan yoshlar sonining ortgani ham isbotlaydi.

Mamlakatimizda pandemiya sharoitidan kelib chiqib, Mudofaa vazirligi oliy harbiy ta'lim muassasalariga nomzodlarni saralash, o'qishga qabul qilish va imtihonlarni o'tkazish tartibi birmuncha soddalashtirildi. Mudofaa vazirligining ko'rsatmasiga muvofiq, 2021-yil uchun oliy harbiy ta'lim muassasalari (OHTM)ga nomzodlarni saralash, imtihonlarni soddaroq shaklda o'tkazish choralarini ko'rildi.

Har yili uch bosqichda – tuman, viloyat va OHTM miqyosida o'tkaziladigan nomzodlarning tibbiy ko'rigi ikki (*dastlabki va yakuniy*) bosqich kesimida o'tkazildi. O'tgan yildan boshlab OHTM bazalarida nomzodlarni yakuniy tibbiy ko'rikdan o'tkazish, kompyuter va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo'yicha bilimlarini tekshirish, umumta'lim fanlaridan yozma imtihon, psixofiziologik o'rganishni o'z ichiga olgan harbiy-kasbiy tanlov tadbirlari bekor qilindi.

Kursantlikka nomzodlarni dastlabki tanlash, individual-psixologik o'rganish va umumjimoniy tayyorgarligini baholash tadbirlari hududlarning o'zida sanitariya qoidalariga rioya qilgan holda

tashkil etildi. Koronavirus pandemiyasi sharoitida karantin qoidalariga amal qilish maqsadida Davlat test markazi tomonidan olingan test sinovlari nomzodlar yashaydigan viloyatning o'zida o'tkazildi.

Har yili OHTMga o'qishga kira olmagan abituriyentlar davlat oliy ta'lim muassasalariga kirish uchun o'z hujjatlarini OHTMdan olib, ularni boshqa fuqaroviy o'quv muassasalariga topshirishlari va ularga kirish uchun yana alohida test sinovlaridan o'tishlari talab qilinadi. O'tgan yildan bunday sarsongarchilikka chek qo'yildi. Nomzodlar OHTMga kirish uchun to'plagan ballari yetmagan taqdirda shu ballari bilan test sinovi topshiriladigan fanlar majmuasiga mos yana boshqa 5 tagacha bakalavriat ta'lim yo'nalishini tanlash imkoniyatiga ega bo'ldi. OHTM uchun test topshirgan nomzodlar Davlat test markazi saytidan o'zi tanlagan 5 ta ta'lim yo'nalishi (*fakultet*) bo'yicha ham test sinovida qatnashgan hisoblanadi.

Harbiylik kasbiga qiziqish kuchayib, qabul jarayonining soddalashtirilgani natijasida viloyatlarda OHTM kursanti bo'lishni xohlagan yoshlar soni sezilarli oshdi. Misol uchun, Qurolli Kuchlar akademiyasiga o'tgan yili har bir viloyatdan o'rtacha 230–250 nafar nomzod hujjat topshirgan bo'lsa, joriy yilda ushbu ko'rsatkich qariyb 400 gacha yetgan. Mazkur nufuzli akademiyada o'qish istagini bildirgan yoshlar

soni Qoraqalpog'iston, Toshkent shahri, Andijon, Buxoro, Farg'ona, Xorazm viloyatlarida ham o'tgan yilga nisbatan sezilarli ko'payganini ko'rish mumkin. Birgina Qoraqalpog'istondan ushbu ta'lim muassasasida o'qish uchun ariza topshirganlar soni o'tgan yilga nisbatan 5 barobardan oshdi. Qoraqalpog' yoshlarining O'zbekiston oliy harbiy aviatsiya bilim yurti bo'yicha statistikasini o'tgan yil bilan taqqoslaganda, 4 barobardan ortdi. Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti uchun ham ushbu hudud yoshlarining salmog'i 2020-yilgidan ancha yuqorilagan.

Mudofaa vazirligi harbiy kadrlarni tayyorlash boshqarmasidan olingan ma'lumotlarga ko'ra, Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti, O'zbekiston oliy harbiy aviatsiya bilim yurti uchun Buxoro, Farg'ona, Jizzax, Xorazm, Toshkent viloyatlari va Qoraqalpog'iston miqyosidagi nomzodlar soni o'tgan yilga nisbatan yana ortdi.

Raqobatning o'sishi OHTMga har yilgidan-da bilimli, dunyoqarashi va fikrlash doirasi keng yoshlarni qabul qilish imkoniyatini beradi. Tibbiy ko'riklar soni qisqartirilgani va harbiy-kasbiy tanlov tadbirlari bekor qilingani natijasida esa respublikamizda koronavirus infeksiyasi yanada keng tarqalishi ehtimolining oldi olindi.

Leytenant Dilshod RO'ZIQULOV

BIR CHIMDIM

Eng yaxshi nikoh
shunday nikohki,
unda ayol ko'r, erkak
esa kardir.

SUQROT

AQL CHARXI

Butunjahon yovvoyi tabiat
fondi ramzi sifatida qaysi
jonzo tanlangan?



Javob: Pandu

Qaysi hayvon o'z tanasini
yostiq sifatida ishlata oladi?




Javob: Jirafa

Boks tushayotgan kenguru
qaysi davlatning milliy va
sport ramzi hisoblanadi?



Javob: Avstraliya.

Qaysi hayvon o'rtacha har
4 yilda bir ko'payadi va homilador-
lik davri 22 oy davom etadi?



Javob: Fil.

E'tirof

MUKOFOT MUBORAK!



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi
Vatanimiz mustaqilligining
30 yilligiga bag'ishlab "Vatan uchun
yashaylik!" IX respublika tanlovini
e'lon qilgan edi. "Sen – qudrat
manbayi, saodat maskani,
jonajon O'zbekiston!" shiori
ostida ona diyorimizda amalga
oshirilayotgan keng ko'lamli
islohotlar, mamlakatimiz
buyuk kelajagi yo'lidagi
ulug'vor yangilanishlar,

zamondoshlarimizning yorqin siymolari aks ettirilgan,
yuksak mahorat bilan yozilgan eng sara badiiy-publitsistik
maqolalar, ocherklar, nasriy va she'riy yo'nalishdagi
asarlar uchun e'lon qilingan mazkur tanlovda
gazetamizning qalami o'tkir jurnalisti Inobat Ibrohimova
rag'batlantiruvchi mukofot sohibi bo'ldi.

Aziz o'quvchi, siz bu
ijodkorni yaxshi taniysiz.
Hamkasbimiz qariyb ikki
yildirki, "Vatanparvar"
gazetasida "Keling, kitob
o'qiymiz" rukni orqali
kitobxonlik madaniyatini
targ'ib qilib kelmoqda.
Ijodkorning aynan mana
shu ezgu intilishi tanlovda
e'tirof etildi. Fursatdan
foydalanib, zahmatkash
ijodkor, tajribali jurnalist
Inobat Ibrohimovani
mukofot bilan tabriklaymiz.
Qalamingiz har doim
shunday o'tkir va keskir
bo'lsin!

TAHRIRIYAT



SHU SONNING
ELEKTRON
SHAKLI

KELGUSI SONLARDA:

"ArMi – 2021":

yutuqlar va natijalar

Muassis



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Bosh muharrir:
mayor
Ahror Ochilov

Navbatchi:
mayor
Gulnora Hojmuradova

Sahifalovchilar:
Begali Eshonqulov
Nodirabegim Valiyeva
Dilnoza Meliqo'ziyeva

Musahhihlar:
Sayyora Meliqo'ziyeva
Sayyora Mirzayeva
Mastura Qurbonova

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 269-88-91
faks: 71 260-32-29

ISSN 2010-5541

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar departamenti –
«Vatanparvar» Birlashgan tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami
bilan ro'yxatga olingan.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan
farqlanishi mumkin.

Buyurtma: Γ-905
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 30 738 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning
24-iyunidan chiqib boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzillimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.